143

АСАТ—ЭКИНИНГНИ ЯСАТ!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 143 (2434). | 23 июль, сешанба, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ВЕНГРИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

22 июль қуёшли, очиқ кунда Венгрия делегацияси ўз юртига жўнаб кетди.

Венгриялик меҳмонларнинг резиденцияси жойлашган Кремлдан тортиб Киев вокзалигача катта кўча ва майдонларда эрта саҳардан минглаб москваликлар йиғилди.

Киев вокзали ва вокзал олдидаги майдон байрамлардагидек безатилган. Бу ерда ҳам пойтахт аҳолисидан кўп кишн тўпланган эди. Фахрий қоровул саф тортиб турди.

Ҳурматли меҳмонларни узатиб қолиш учун КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари А. П. Кириленко, Н. М. Шверник, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидатлар В. В. Гришин, Л. Н. Ефремов, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, Л. Ф. Ильичев, А. П. Рудаков, В. Н. Титов, А. Н. Шелепин, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси К. Е. Ворошилов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари И. Т. Новиков, Д. Ф. Устинов, СССР министрлари, Москва партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети аппаратининг масъул ходимлари келдилар.

Узатиб қолувчилар орасида Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукумати раисининг ўринбосари Антал Апро, Венгрия социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Венгрия Халқ Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Иожеф Сипка, Халқ Венгрияси элчихонасининг дипломатик ходимлари, СССР даги дипломатик вакилликларнинг бошлиқлари, совет ва чет эл журналистлари бор эди.

Майдонда тўпланган кишилар автомашиналарда келган Янош Кадарни ва КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевни, Венгрия делегациясининг аъзоларини ҳамда КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. И. Микоянларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Янош Кадар фахрий қоровул бошлиғининг рапортини қабул қилади ва Н. С. Хрушчев билан бирга совет жангчиларининг сафи олдидан ўтади. Венгрия ва Совет Иттифоқи давлат гимнларининг садолари янграйди.

Москва меҳнаткашларининг вакиллари Янош Кадарни ва Н. С. Хрушчевни табрик хитоблари ва қарсаклар билан кутиб олдилар.

Сўнгра Н. С. Хрушчев ва Янош Кадар ўртоқлар нутқ сўзлади. Нутқлар зўр эътибор билан ва маъқуллаб тингланди.

Ўртоқ Янош Кадар, Венгрия делегациясининг аъзолари, ўртоқ Н. С. Хрушчев ҳамда партия, ҳукуматнинг бошқа раҳбарлари билан бирга вокзалнинг бош вестибюли орқали перронга йўл оладилар. Узатувчилар уларга яхши тилаклар айтиб қоладилар. Перрон ёнида махсус поезд турибди. Сўнгги марта дўстона хайрлашув бошланади. Н. П. Хрушчева, В. П. Брежнева, Е. Т. Денисова, Клара Сипкалар ҳам меҳмонлар билан самимий хайрлашадилар.

* * *

Ўртоқ Янош Кадар Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари Марказий Комитетлари биринчи секретарларининг ва ҳукумат бошлиқларининг 1963 йил 24 июлда очиладиган кенгаши ишида қатнашиш учун Москвада қолди.

(ТАСС).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ БИЛАН ХИТОЙ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ МОСКВАДАГИ УЧРАШУВИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

5 июлдан 20 июлгача Москвада Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Хитой Коммунистик партияси делегацияларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда:

КПССдан — КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари ўртоқ М. А. Суслов (делегация бошлиғи), КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат ўртоқ В. В. Гришин, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Л. Ф. Ильичев, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси ўртоқ П. А. Сатюков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси ўртоқ С. В. Червоненко;

ХКПдан—ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитетнинг бош секретари ўртоқ Дэн Сяо-пин (делегация бошлиғи), ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретариатининг аъзоси ўртоқ Пин Чжэнь (делегация бошлиғининг ўринбосари), ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретариатининг аъзоси ўртоқ Кан Шэн, ХКП Марказий Комитети секретариатининг аъзолигига кандидат ўртоқ Ян Шан-кунь, ХКП Марказий Комитетининг аъзоси ўртоқ Лю Нин-и, ХКП Марказий Комитетининг аъзоси ўртоқ У Сю-цюань, ХКП Марказий Комитети аъзолигига кандидат ўртоқ Пань Цзи-ли қатнашдилар.

Учрашув вақтида ҳар иккала томон ҳозирги замон жаҳон тараққиётига, халқаро коммунистик ҳаракатга ва Совет-Хитой муносабатларига доир бир қанча муҳим принципиал масалалар юзасидан ўз қарашларини ва позицияларини баён этдилар.

Хитой Коммунистик партияси делегациясининг таклифига мувофиқ, делегацияларнинг ишида танаффус қилиш ва бир мунча вақтдан сўнг учрашувни давом эттириш ҳақида келишиб олинди. Учрашувни давом эттириш жойи ва вақти ҳақида КПСС Марказий Комитети билан ХКП Марказий Комитети ўртасида маслаҳатлашиш йўли билан, қўшимча келишиб олинади.

ХКП ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАДАН ЖЎНАВ КЕТДИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг делегацияси билан бўлган учрашувда қатнашган Хитой Коммунистик партиясининг делегацияси 20 июлда Москвадан Пекинга самолётда жўнаб кетди.

Жўнаб кетганлар орасида ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитетнинг бош секретари Дэн Сяошин (делегация бошлиғи), ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретариатининг аъзоси Пинь Чжэнь (делегация бошлиғининг ўринбосари), ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретариатининг аъзоси Кан Шэн, ХКП Марказий Комитети секретариатининг аъзолигига кандидат Ян Шан-кунь, ХКП Марказий Комитетининг аъзоси Лю Нин-и, ХКП Марказий Комитетининг аъзоси У Сю-цюань ўртоқлар ва уларга ҳамроҳ бўлиб келган ўртоқлар бор эди.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат В. В. Гришин, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. Ф. Ильичев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси П. А. Сатюков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси С. В. Червоненко ва КПСС Марказий Комитетининг бошқа масъул ходимлари аэродромда ХКП делегациясини узатиб қўйдилар.

(ТАСС).

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИГА АЪЗО БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАР КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТЛАРИ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРЛАРИНИНГ ВА ҲУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар қардош партиялари Марказий Комитетлари ўртасидаги келишувга мувофиқ, шу йил 24 июлда Москвада мазкур мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари Марказий Комитетлари биринчи секретарларининг ҳамда ҳукумат бошлиқларининг кенгаши чақириладиган бўлди.

Кенгашга аъзо бўлган мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари июнь (1962 йил) кенгашининг қарорларини амалга ошириш йўлида қилинган ишлар тўғрисида ва бу мамлакатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш соҳасидаги бундан кейинги вазифалар ҳақида ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши ижроия комитетининг доклади қараб чиқилади.

ЎН МИЛЛИОН ПУД ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАСИ

Партиямиз XXII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг ноябрь ва июнь Пленумларининг тарихий қарорларидан руҳланган Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари янги меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Республика колхозлари ва совхозлари пилла, қорақўл тери ва тухум тайёрлаш юзасидан олган мажбуриятларини бажаргандан сўнг 21 июлда давлатга ғалла сотиш йиллик планини (шоли ва маккажўхори бунга кирмайди) бажардилар. Давлат омборларига 10 миллион пуд ғалла тўкилди.

Бу йил республикада ғалла етиштириш ўтган йилдагига нисбатан 2 баравар кўпайди. Урим-йиғим ва давлатга ғалла топшириш давом этмоқда.

Колхозлар ва совхозлар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, она-Ватанга ўтган йилдагига нисбатан 1,5 баравар кўп камида 15 миллион пуд ғалла сотиш мажбуриятини олдилар.

Тошкент, Самарқанд, Сирдарё ва Сурхондарё областларининг меҳнаткашлари ғалла етиштириш ва тайёрлашда ажойиб ютуқларга эришдилар.

Суратда: студентлар бригадаси бошлиғи Муҳаммад Аҳмедов (чапда) ва сувчи Қодир Хусаиновлар ғўзаларни кўздан кечираётирлар.

А. Абалян фотоси.

РЕПОРТАЖ

ДОВЮРАКЛАР

...Кўп ўтмай ўнгга бурилдик. бир арава сиғарлик тор йўлнинг икки тарафида яхлит пахта далалари яшнаб турипти. Эгатлар оралаб юриб ғўзаларни кўздан кечириб, унинг ҳолатига разм солдик, ҳосил тугунчаларини санаб кўрдик.

— Чакки эмас, — деди ҳамрохимиз совхоз механизатори Хатип Содиқ камтарлик билан.

— Қайси азаматларнинг даласи экан-а?

— Студентларнинг даласи,— деб жавоб берди Хатип ака,— бу ерда Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг 3-курс студенти Муҳаммад Аҳмедов бошлиқ трактор-далачилик бригадаси аъзолари меҳнат қилишяпти. Дала ишларини миришкор деҳқонлардек уддалашяпти. Бригадир ҳам азамат йигитлардан. Тиним нима, билмайди. Толиқиш, чарчаш уларга ёт. Ўтган йили бу ерда Салим Долимов бошлиқ студентлар бригадаси пахта ўстиришган, гектаридан пландаги 29 ўрнига 35 центнердан «оқ олтин» топшириб, ўз сўзлари устидан чиқишган эди. Бу йилги студентлар ҳам эпчил, довюрак чиқиб қолишди, 40 центнер учун бел боғлашган. Ғўзаларнинг авжи ўтган йилдагига қараганда ҳам яхши, ҳосили бўлиқ, кўчатлари серавж.

Бригаданинг белга уриб турган, сершох ғўзаларини кузаниб пайкал ораладик. Энгашиб бир туп ғўзанинг ҳосилини чаладик: 16 шона, 11 гул, 9 кўсак, 17 ҳосил шохи бор. Қандай ажойиб натижа бу!

Ҳа, кўсакларнинг тўқлиги, ҳосилнинг мўллиги баракали кирмондан нишона. Бунинг учун ёш пахтакорлар озмунча қайгиришдими?! Далаларда ер текислаш, чигит экишдан тортиб кўчатларнинг то ҳозирги даражага етгунича меҳр қўйиб, ҳар бир туп ғўзани ардоқлашди, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ишлаб ҳазилакам тер тўкишдими?!

Биз студентлар ишлаётган карта томон йўл олдик. Шу пайт қаршимиздан норғул бир йигит чиқиб келди.

— Бу ўша айтган бригадиримиз ўртоқ М. Аҳмедов бўлади, — деди орамиздан кимдир. Саломлашдик.

Бригадир билан суҳбатлашар эканмиз, ёнимизга универсал келиб тўхтади. Универсални бошқараётган йигит биз билан сўрашаркан, ўзини студент Турғун Каримов, деб таништирди. Сўнг дам ўтмай яна рулга ўтириб ишни давом эттирди. Трактор кетидан кузатиб қолдик. Универсалга осилган культиватор пичоқлари эгат ўртасидан ўтиб ерни қорайтириб бормоқда. Бригадир унинг ишидан мамнун бўлиб жилмаяркан, шундай деди:

— Ажойиб йигит, меҳнатсевар, тиришқоқ. Келганига кўп вақт бўлмай «пўлат от»ни бошқаришни ўрганиб олди. Ғўзаларга ишлов беришда совхоз универсалчилари билан баббаравар беллашяпти. Ҳарбир туп ғўзани тўйдириб озиқлантираяпти.

Бригадир картанинг универсаль айланадиган чекка ерларидаги, ўқ ариқ бўйларидаги ишланмай қолган ғўзаларни чопиқ қилаётган 13 студентни номма-ном санаб, уларнинг фидокорона меҳнатлари, ажойиб фазилатлари, ўзаро аҳиллиги ҳақида анчагина яхши гаплар айтди. Шуларнинг куч-ғайрати туфайли, сўзида давом этди у, барча майдонларда ғўзалар нормал авж олиб ўсяпти, муҳими — ҳосил душмани бўлган бегона ўт битта ҳам қўймай қириб ташланди.

Сув таралаётган картага ўтдик. Сувчиликка ажратилган бригаданинг ҳамма олти аъзоси шу ерда, эгатларга сув тарашяпти. Пайкал ёқалаб, қирғоқ талашиб, бир ўқ ариқ сув лиммо-лим оқиб боряпти. Сал нарида эса у пахтазор ичига бурилиб бир меёрда сон-саноқсиз эгатларга майин шилдираб таралаяпти. Яшиллик рамзи — сув ниҳоллар танига қон бўлиб югуриб, уларга жон бағишлаяпти. Хув, дала ўртасида новчадан келган сувчи қуёш селига парво ҳам қилмай, оёқламаган эгатда сув бошлаб кетмоқда. Сувчилар карталарни ўзаро бўлиб олиб суғоришяпти.

Ўз картасига сув қўйиб бўлган Маҳмуд Қудратов ёнимизга келди.

— Бу ерни неча кунда суғориб бўласизлар?

— 2-3 кунда тўла қўлдан чиқарамиз. Бизда захкаш ерлар ҳам бор. Шу ерлар қўлимизни бироз тутади. Бу майдонларни агротехникага амал қилиб эгат оралатиб суғораяпмиз,— дея ҳикоя қилакетди сувчи.— Лекин, ғўзани дастлабки суғоришда ўзиям роса қийналдик, катта майдонни суғориш учун ҳали тажрибамиз йўқ эди-да қийин бўлди. Ернинг қия-нишабини яхши билмагаингдан кейин шундай бўларкан. Баъзибир эгатларнинг суви охирламай қолса, бошқаси кўлдек кетарди. Йўқ, бўш келмадик. Сувни бир текис расамати билан тарай бошладик. Шу туфайли иккинчи суғоришда ишимиз осон кўчди.

Шу ерда биз сувчилар билан хайрлашдик-да, бошқа студент бригадалар ишн билан ҳам танишмоқ мақсадида ўша ёққа йўл олдик...

Бу пайтда улкан нур хазинасини яшил далаларга тўкиб солаётган сахий қуёш кўк гумбазининг иккинчи ёғига думалаб ўтганди.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

Оққўрғон. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг 2-бўлими.

Қўйлиқ ремонт-механика заводи коллективининг „Узсельхозтехника“ бирлашмалари ва бўлимлари, ремонт заводлари ва устахоналаринининг барча ишчиларига ва мутахассисларига

МУРОЖААТИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Қўйлиқ ремонт-механика заводи коллективининг Мурожаатини маъқуллади ва область, шаҳар партия комитетлари, ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетларига бу Мурожаатни «Узсельхозтехника» корхоналарида, колхоз ва совхозларда муҳокама қилиш ҳамда республика ремонт корхоналарида қишлоқ хўжалиги машиналарини ремонт қилиш сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш вазифасини юклади.

Қадрли ўртоқлар!

Заводимиз коллективи КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорларини барча совет кишилари қатори меҳнат активлигини ошириб кутиб олди.

Қўйлиқ ремонт-механика заводи «Узсельхозтехника» бирлашмасига қарашли илғор корхоналардан биридир. Биз трактор двигателларини ремонт қиламиз, ишдан чиққан деталларни тузатамиз, пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун турли ускуналар ишлаб чиқарамиз. **Машина-трактор паркининг узлуксиз ишлаб туриши кўп жиҳатдан бизга боғлиқ.** Машина эса эндиликда кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, мўл ҳосил етиштиришнинг энг муҳим воситасидир.

Корхонамиз ишчилари ва мутахассислари технологияни такомиллаштириб, ишлаб чиқариш маданиятини оширмоқдалар. Биз энди двигателлар ремонти ва запас қисмларни қайта тиклашни ҳозирги замон техникаси даражасига кўтардик.

Завод ҳузурида доимий ишлаб турувчи илғор тажриба мактаби ташкил этилган. мактабда республикамиздаги ремонт корхоналарининг ходимлари ҳам тажриба ўрганмоқдалар.

Корхонамизнинг трактор двигателларини ремонт қиладиган асосий цехига қутлуғ ном—коммунистик меҳнат цехи номи берилган. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ярим йиллик планни 107 процент бажардик. Трактор двигателларини ремонт қилиш топшириғи бундан ҳам ошириб бажарилди.

Аммо ҳали ишимизда талай камчиликлар, кўпгина фойдаланилмаётган резерв ва имкониятлар бор.

Корхонамиз коллективи КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини муҳокама қилиб, 1963 йилга оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилди. Янги мажбуриятда ремонт сифатини яхшилашга ва таннархини арзонлаштиришга алоҳида эътибор берилган. **Моторларнинг ремонтдан чиққан асосий агрегатлари энди заводда муҳрлаб қўйилади ҳамда «Д-54» ва «КДМ-46» двигателларининг 900 мотосоат узлуксиз ишлашини корхона кафилликка олади.**

Бу янги тартиб заводимизнинг ҳар бир ишчиси ва мутахассиси зиммасига ремонт сифатини яхшилаш юзасидан катта масъулият юклайди. Механизаторлар эса техника эксплуатацияси қоидаларига қаттиқ риоя қилишлари керак.

Биз барча ремонт заводлари ва устахоналари коллективларини қишлоқ хўжалик техникаси ремонти сифатини кескин яхшилашга, техникани кафиллик асосида ремонт қилишга дадиллик билан кўчишга чақирамиз.

Маҳсулот таннархини арзонлаштириш совет кишиларининг энг муҳим вазифасидир. Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС XXII съездида «Энди ишлаб чиқариш ва қурилишда маблағларнинг тежалган ҳар бир проценти ишлаб чиқаришни ва турмуш даражасини қўшимча равишда ўстиришда катта манбага айланиб бормоқда»,— деди.

Кейинги икки йил ичида завод «Д-54» двигатели капитал ремонти таннархини 16 процент ва «КДМ-46» двигатели капитал ремонти таннархини 12 процент арзонлаштирди. Биз бу йил 1962 йилдагига нисбатан ана шу двигателлар ремонти таннархини 15 процент арзонлаштирамиз. Бу бизнинг янги социалистик мажбуриятимиздир. Шу мақсадда деталлар дефектовкаси яхшиланмоқда, деталларни йиғиш ва бузиш ишлари механизациялаштирилмоқда, ремонт технологияси такомиллаштирилмоқда, деталларни қайта тиклашнинг ҳозирги замон усуллари ўзлаштирилмоқда. Шунингдек, биз плунжер паралари, акс клапанлар ва чанглагичлар каби мураккаб ва муҳим деталларни қайта тиклаймиз.

Баъзи механизаторлар техникани ремонтга топширяётиб, ундан ишлаб турган деталларни ажратиб олиб қоладилар ва ўрнига эскисини ўрнатадилар. Натижада ремонт таннархи ошиб кетади. Техникани сақлашдаги хўжасизлик ҳам ремонтни анча қимматга туширади. Давлатга ва колхозларга катта зиён келтираётган ана шу ярамас иллатнинг илдизини қирқиш керак.

Ихтисослаштириш техника тараққиётининг асосидир. «Узсельхозтехника»нинг Тошкент областидаги кўпгина корхоналари ана шу йўлдан бормоқда. Бу устахоналар трактор ва машиналарни ремонт қилиш учун қабул қилаётиб. ўз навбатида мураккаб агрегатларни ихтисослаштирилган корхоналарга ремонт учун топширадилар. Жумладан, двигателлар бизнинг заводимизда ремонт қилинади. Ҳамма устахоналар шундай қилиши керак.

Техника ремонти колхоз ва совхозларга арзонроқ тушиши, шу ҳисобдан улар пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини арзонлаштира олишлари учун ремонт баҳосини қайта кўриб чиқиш керак. Ремонт ишлари таннархини арзонлаштириш бўйича ҳозиргача корхонамизда эришилган натижаларга таяниб, «Узсельхозтехника» бирлашмалари ва бўлимларида шу йилнинг ўзидаёқ «Д-54» двигателининг капитал ремонти учун 290 сўм эмас 245 сўм, «КДМ-46» двигателининг ремонти учун 375 сўм эмас, 345 сўм ҳақ тўлаш имконияти бор. Бу ҳолда ҳам завод молия плани бажарилади. Чунки ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи арзонлашади.

Биз бирлашмалар, бўлимлар, устахоналар ва ремонт заводларининг ҳамма ходимлари, барча механизаторлар бизга издош бўладилар, деб ҳисоблаймиз. Трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ремонти таннархини арзонлаштириш учун курашга актив лик билан қўшилмоқ керак.

Қадрли ўртоқлар! Пахта терим машиналари ва бошқа йиғим-терим техникасини, тракторларни ва барча қишлоқ хўжалик машиналарини ўз вақтида, юқори сифатли ва арзон ремонт қилиш учун бутун куч-ғайратимизни сарфлайлик.

Етти йилликнинг бешинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажарайлик!

КОММУНИЗМ КИШИСИНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

Тошкент қишлоқ область партия комитети пленумидан

Илгари хабар қилинганидек 18 июлда Тошкент қишлоқ область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. «КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг якунлари ва область партия ташкилотининг идеология ишларини яхшилаш соҳасидаги вазифалари» ҳақида Ўзбекистон КП Тошкент қишлоқ область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **М. А. Абдураззоқов** доклад қилди.

— КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми,— деб қайд қилди докладчи,— бизнинг партиямиз тарихида, унинг шонли ва яратувчилик ишлари йилномасида алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўртоқ Л. Ф. Ильичев доклади ва ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг ёрқин ва катта нутқи, пленум қарорлари бизнинг партиямиз, унинг ленинчи Марказий Комитети марксизм-ленинизм байроғини баланд кўтариб, халқларни Ленин йўлидан тўғри бошлаб бораётганлигини, КПСС XXII съездининг коммунизм қурилишини кенг авж олдириш юзасидан белгилаб берган вазифаларини астойдил бажараётганлигини яна бир бор ёрқин кўрсатиб берди.

Яқинда матбуотда эълон қилинган КПСС Марказий Комитетининг барча партия ташкилотларига, Совет Иттифоқининг барча коммунистларига Очиқ хати партиямизнинг марксизм-ленинизм идеяларига чексиз содиқ эканлигини исботловчи далилдир. Унда 1963 йил 14 июнда Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети хати муносабати билан бизнинг партиямизнинг халқаро коммунистик ҳаракат масаласидаги позицияси чуқур, очиқ-ойдин, принципиаллилик билан баён қилиб берилган.

КПСС Марказий Комитетининг Очиқ хати муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир. У барча коммунистларни, барча совет кишиларини марксизм-ленинизм ғояларини ҳимоя қилишда ленинча принципиаллилик ва қатъиятлиликка ўргатади.

КПСС Марказий Комитетининг Очиқ хати бизнинг партиямиз коммунизм қураётган совет халқининг манфаатлари тўғрисида, социалистик мамлакатларнинг жипслигини янада мустаҳкамлаш йўлида, халқаро буюк бирдамлик, коммунистик ва ишчи ҳаракатини мустаҳкамлаш, халқларнинг миллий озодлик ҳаракатини кучайтириш, бутун дунёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш соҳасида тинмай ғамхўрлик қилаётганлигини яна бир бор кўрсатиб берди.

Тошкент областининг коммунистлари, барча меҳнаткашлар КПСС Марказий Комитети Очиқ хатини ҳартарафлама қўллаб, уни бир овоздан маъқулладилар. Хитой Компартияси раҳбарларининг хато ва зарардан иборат бўлган хатти-ҳаракатларига хатда берилган баҳога тўла қўшилдилар. Шу билан бирга Хитой Компартияси Марказий Комитетининг бизнинг партиямиз ва бошқа коммунистик-ишчи партияларига ҳеч бир асоссиз бўҳтондан иборат бўлган туҳматларини қаттиқ қоралашдилар.

— Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган VIII пленуми,— деб қайд қилади ўртоқ Абдураззоқов,— КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари муносабати билан ғоявий-тарбиявий ишларнинг йўлга қўйилишини ҳар тарафлама ва чуқур принципиаллилик билан таҳлил қилиб берди. Тўпланган тажриба умумлаштирилди, муҳим камчиликлар очиб ташланди ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишларини кучайтириш юзасидан қилинадиган ишларнинг тадбирлари белгиланди, уларнинг куч ва ғайратларини хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини амалга оширишга сафарбар қилиш чоралари кўрилди.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII пленуми қарорларини биз омманинг коммунистик онглилигини янада ошириш, коммунистик жамият қуришни тезлаштириш мақсадида идеология ишларининг оммага таъсирини кучайтириш юзасидан қиладиган ишларимизнинг асоси сифатида қабул қилишимиз лозим.

Шуни ҳамма вақт ёдда тутиш керакки, коммунизм ғалабаси учун курашда идеология фронти энг зарбдор участкадир ва шунинг учун ҳам партия ана шу фронтда ҳужумни кучайтириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Биз тарбиявий ва идеология ишларини тинмай кучайтиришимиз ва бу ишларни мамлакатимизда, совет халқларининг ҳаётида бўлаётган буюк ўзгаришлар, социал-иқтисодий ўзгаришлар билан мувофиқлаштириб боғлаб олиб боришимиз лозим.

Кейинги ўн йиллик ленинизм ғоялари тантанаси учун кураш тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу ўн йиллик ҳақиқатан ҳам буюк ўзгаришлар ва улкан ғалабалар, халқ хўжалигини ривожлантириш, халқнинг фаровонлиги ва маданиятини юксалтириш соҳасида катта ишлар қилинган ўн йиллик бўлди.

Сиёсий соҳада ўтган ўн йиллик Сталиннинг шахсига сиғинишни фош қилиш ва унинг қолдиқларини тугатиш, социалистик демократияни ҳар томонлама юксалтириш, коммунистларнинг ижодий активлиги ва фаолиятини, кенг меҳнаткашлар оммасининг ижодий активлигини кучайтириш, Коммунистик партиянинг мамлакатнинг бутун ҳаётидаги ўсиб бораётган ролини янада ошириш билан характерланади.

(Давоми иккинчи бетда).

СОВЕТ ЭКОНОМИКАСИНИНГ ҚУДРАТЛИ ОДИМИ

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг ахбороти

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари партия XXII съездининг ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумларининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, 1963 йилнинг ўтган яримида экономикани ривожлантиришда, халқ турмушининг фаровонлигини ва маданий савиясини юксалтиришда янги муваффақиятларни қўлга киритдилар.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси хабар қиладики, саноат ходимлари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ярим йиллик планини 103 процент бажардилар. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8,5 процент ўсди. Ўтган 4,5 йил ичида етти йиллик планнинг шу даврга мўлжалланган топшириқларидан ташқари 33 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди.

Барча иттифоқчи республикалар ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва буюмларнинг энг муҳим турларидан кўпчилигини ишлаб чиқариш ярим йиллик планини ошириб бажардилар.

Аҳборотда энг муҳим турдаги буюмларнинг ишлаб чиқарилишини характерлайдиган маълумотлар келтирилади. Маҳсулотнинг кўпчилик турлари бўйича ярим йиллик план тўла ва ошириб бажарилди. Айни вақтда, ишлаб чиқариш ўсгани ҳолда, каустик сода, олтингугурт кислотаси, чўян, гидротурбиналар учун генераторлар, силосбоп экинларни йиғиштирадиган комбайнлар, йиғма темир бетон, радиоприёмник ва радиолалар, велосипед ва мотовелосипедлар, мебеллар ишлаб чиқариш плани бир мунча бажарилмай қолди.

Ярим йил ичида саноат корхоналари машиналар, ускуналар, приборларнинг 300 га яқин энг муҳим янги турларини ва ҳар хил материалларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар ва тайёрладилар. Эскириб қолган конструкциядаги машиналар, ускуналар, аппаратлар ва приборларнинг 120 дан кўпроқ хили ишлаб чиқаришдан олиб ташланди. Саноатнинг барча тармоқларида ишлаб турган машина-ускуналарни модернизация қилиш кенг ҳажмда амалга оширилди; халқ хўжалиги кенгашларига қарашли машинасозлик корхоналарида машина-ускуналарнинг қариб 29 минг донаси модернизация қилинди.

Ўтган йилдагига нисбатан ишлар бир мунча яхшиланганига қарамай, илмий тадқиқот ишларининг планлари ҳамда фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш планлари тўлиқ бажарилмади.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1962 йил) Пленуми қарорларига мувофиқ, илмий тадқиқот, лойиҳалаш-конструкторлик ва лойиҳалаш ташкилотларини давлат тармоқ комитетлари ва ишлаб чиқариш комитетлари ихтиёрига топшириш ва бу комитетларга тўлаш ишлари амалга оширилди. Эндиликда 1.700 дан ортиқ илмий тадқиқот институтлари, лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилотлари ана шу комитетлар ихтиёридадир.

Олти ой мобайнида 1.400 га яқин ихтиролар ва рационализаторлик таклифлари халқ хўжалигига жорий қилинди. Ана шу янгиликлар туфайли мамлакатимиз бир йил ичида 750 миллион сўмдан кўпроқ маблағ тежаб қолади.

Саноатда меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан қариб 6 процент ошди. Ярим йиллик план умуман мамлакатда ва Литва ССРдан ташқари барча иттифоқчи республикаларда бажарилди. Саноат маҳсулотининг таннархини камайтириш плани ошириб бажарилди.

Аҳборотнинг қишлоқ хўжалигига бағишланган қисмида таъкидланадики, мамлакатнинг кўпчилик районларида кўкламги дала ишлари ноқулай об-ҳаво шароитида олиб борилди. Бунинг натижасида лалми экинлар экиш одатдагидан анча кеч бошланди. Қишлоқ хўжалик ходимлари бу қийинчиликларни муваффақиятли суратда бартараф қилдилар ва дала ишларини уюшқоқлик билан ҳамда қисқа муддатларда ўтказиб, кўкламги экиш планини ошириб бажардилар.

Барча қишлоқ хўжалик экинларининг майдони 218,1 миллион гектарни ташкил этди ва ўтган йилдагига нисбатан 2,1 миллион гектар кўпайди.

Колхоз ва совхозлар дон етиштириш ва харид қилишни янада кўпайтиришдан иборат жуда муҳим халқ хўжалик вазифасини амалга ошира бориб, дон экинлари майдонини кенгайтирдилар. Донли ва донли-дуккакли экинлар (маккажўхоридан ташқари) 129,6 миллион гектарга, ёки ўтган йилдагига нисбатан 7,9 миллион гектар кўпроқ майдонга экилди. Шу билан бирга, донли-дуккакли экинлар 5,6 миллион гектар, шу жумладан нўхат 4,7 миллион гектар кўпайди. Буғдой экини кузги буғдойнинг анча қисми нобуд бўлганига қарамай, тахминан ўтган йилги даражада сақланиб қолди. Кунгабоқар экини 168 минг гектар, саноат учун экилган қанд лавлаги 156 минг гектар кўпайди. Маккажўхори 33,9 миллион гектар майдонга, яъни ўтган йилдагига нисбатан бир мунча камроқ экилди. Шу билан бирга, тўлиқ етилган дон олиш учун экилган маккажўхори ўтган йили ҳақиқатда йиғиб олинганига нисбатан 2,1 миллион гектар кўп бўлди. Хашаки қанд лавлаги, узун толали зиғир ва картошка майдонлари бир мунча камайди.

Колхоз ва совхозларда қорамол сони бир йил ичида 3 миллион бош, шу жумладан сигирлар 1,6 миллион бош кўпайди; қўй ва эчкилар сони 2,7 миллион бош кўпайди, чўчқалар ва паррандалар сони бир мунча камайди. Аҳолининг шахсий ихтиёридаги қорамоллар сони шу вақт ичида 4 процент кўпайди; сигирлар, қўй ва эчкилар сони тахминан ўтган йилги даражада қолди, чўчқалар сони эса камайди.

Колхоз ва совхозларда гўшт етиштириш ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 3 процент ортди. Кўкламнинг узоқ ва совуқ келиши сабабли ем-хашак масаласидаги қийинчиликлар натижасида соғиб олинган сутнинг умумий миқдори сигирлар сонининг ортганига қарамай, бир мунча камайди.

Чорва мол ва парранда харид қилиш ярим йиллик плани ошириб бажарилди, сут ва тухум харид қилиш юзасидан белгиланган топшириқлар эса тўла бажарилмади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш давом эттирилди. Қишлоқ хўжалиги ярим йил ичида кўп тракторлар, юк автомобиллари, жатколар, ўрим машиналари, сут соғиш установкалари ва бошқа техника, шунингдек минерал ўғитлар олди.

Марказий статистика бошқармаси юк оборотининг ва юк ташиш планининг бажарилиши ҳақида хабар беради. Денгиз транспортининг ҳамма турларида юк оборотининг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 21 процент ортди. Ҳаво транспортида пассажирлар ташиш 19 процент кўпайди. Темир йўл транспортида электровоз ва тепловозлар кучи билан бажарилган юк оборотининг 22 процент ортганлиги таъкидланади.

Марказий статистика бошқармаси ахборотининг капитал қурилиш тўғрисидаги қисмида айтилдики, давлат капитал маблағлари ҳисобига янги асосий фондлар ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан етти процент ортиқ ишга солиниб, капитал маблағ сарфлаш ҳажми тўрт процент ва қурилиш-монтаж ишлари ҳажми уч процент ўсди. Химия саноатида минерал ўғит, синтетик каучук, сунъий ва синтетик тола ишлаб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилди. Қора металлургияда, электр станцияларида, нефтни қайта ишлаш саноатида, бинокорлик материаллари саноатида, тўқимачилик корхоналарида, озиқ-овқат саноатида янги қувватлар ишга солинди. Бироқ, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишнинг планлари анча кечикиб бажарилмоқда.

Ўтган ярим йилда маблағларни энг муҳим қурилишларда ва ишга туширилиш олдида турган объектларда тўплаш йўлидаги ишлар давом эттирилди; шу билан бирга маблағларни жуда кўп объектларга сочиб юбориш ҳоллари ҳали ҳам юз бермоқда, бу эса бажарилмаган қурилишларнинг яна да кўпайишига ва ишга туширилиш олдида турган объектларда планнинг бажарилмай қолишига сабаб бўлмоқда. Давлат плани бўйича ажратилган маблағлар ҳисобига капитал маблағ сарфлаш ҳажми ярим йил ичида 14,1 миллиард сўмни ташкил этди.

СССР халқ хўжалигида ишчи ва хизматчиларнинг сони йилнинг биринчи ярмида 69 миллион кишини ташкил этди ва ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 2 миллион киши кўпайди. Аҳоли ижтимоий истеъмол фондларидан (текин ўқиш ва медицина хизмати, касал бўлган вақт учун, ҳомиладорлик ва навбатдаги отпускалар ҳақи, пенсиялар, кўп болали ва ёлғиз оналарга нафақа ҳамда бошқа тўловлар ва енгилликлар) 15 миллиард сўм олди, бу эса ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан қариб 1 миллиард сўм ортиқдир.

Аҳолининг омонат кассаларига қўйган жамғармалари ярим йил ичида 6 процентдан ортиқ кўпайди ва 1 июлда 13,6 миллиард сўмни ташкил этди.

Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти ҳажми ярим йил ичида 43 миллиард сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан такқосланадиган нархларда 4 процент кўпайди.

КПСС Марказий Комитетининг идеология масалаларига бағишлаб, июнь ойида ўтказилган Пленуми меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида қилинган ишларга яқин ясади ҳамда халқ маорифини, маданиятини, фанни, адабиёт ва санъатни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ва конкрет вазифаларини белгилаб берди. Мамлакатда 61 миллиондан ортиқ киши ўқишнинг турли формаларига тортилган. Умумий таълим мактабларида 42 миллиондан кўпроқ киши ўқиди. Ҳамма ерда 8 йиллик умумий мажбурий таълимга ўтиш амалга оширилди. Бу йил баҳорда 900 минга яқин киши ўрта маълумот аттестати олди, бундан 440 минг киши ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларини битириб чиқди. Мамлакатнинг олий ўқув юртларида қариб 3 миллион, ёки ўтган йилдагига нисбатан 304 минг кўпроқ студент ҳамда ўрта махсус ўқув юртларида 2,7 миллион киши, ёки ўтган йилдагига нисбатан 298 минг кўп киши ўқимоқда. Бу йил халқ хўжалигига 800 мингдан ортиқ олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар юборилади. Мамлакатда 4.476 илмий муассаса бор. Илмий иш билан машғул бўлган илмий ходимлар ва мутахассисларнинг умумий сони йил бошида 525 минг кишини ташкил этди.

Мамлакатда катта қўламда уй-жой қурилиши давом эттирилмоқда. Ярим йил ичида жами 19 миллион квадрат метр уй-жойлар, ёки 485 минг янги обод квартира фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, давлат планидан ташқари марказлаштирилмаган маблағлар ҳисобига, шунингдек аҳоли томонидан ўз жамғармалари ҳисобига ва давлат кредити ёрдами билан кўп уй-жойлар қурилди. Кўп мактаблар, мактабгача тарбия ёшидаги болалар муассасалари ва маданият уйлари ишга туширилди, медицина муассасалари шохобчаларини янада кенгайтириш давом эттирилди. Бироқ, уй-жойларни, маданий-маиший ва медицина муассасаларини ишга туширишнинг плани тўла бажарилмади.

Йилнинг биринчи ярмида Совет Иттифоқининг аҳолиси 1,7 миллион киши кўпайди ва 1963 йил 1 июла қариб 225 миллион кишини ташкил этди.

Етти йиллик бешинчи йили дастлабки олти ойининг натижалари СССР халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик планини амалга оширишда янги муваффақиятларга эришилганлигидан далолат беради. (ТАСС).

КОММУНИЗМ КИШИСИНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

(Боши биринчи бетда).

Ташқи сиёсат соҳасида ўтган ўн йиллик шу билан характерланадики, ижтимоий системалари турлича бўлган давлатлар тинчтотув яшаш ленинча принципларини амалга ошириш соҳасида янги муваффақиятларга эришилган даврдир бўлди.

Ўтган ўн йилликда идеология соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. Партия муҳим ғоявий проблемани ишлаб чиқди. Партия XXII съезди ҳужжатлари КПСС янги Программаси марксизм-ленинизм назариясини ижодий ривожлантириш намунаси бўлди.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорлари асосида партия ташкилотларининг ишлаб чиқариш принципи бўйича қайта қурилиши партия ташкилотларининг ғоявий-тарбиявий ишларини аниқ мақсадга йўналтириш ва конкретлаштиришга анча ёрдам берди ва ҳарбир иш халқ хўжалиги вазифаларига мувофиқ ҳаёт билан мустаҳкам боғлаб олиб борилаяпти.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш программаси кенг кўламда амалга оширилаётган бир пайтда партия олдида идеология ишларини тубдан яхшилаш вазифаси турар эди.

Гап коммунистик жамият кишисини, юксак ғояга эга бўлган, меҳнатга ва жамоат мулкига коммунистчасига муносабатда бўладиган, ўзидаги маънавий бойлик ва ахлоқий софлиликни юксалтира борадиган совет кишисини тарбиялаш тўғрисида бораяпти.

Коммунистик жамият кишисини тарбиялаш — бу жуда қийин ва мураккаб процессдир, бу иш кишилар онгидаги ўтмиш қолдиқларини бутунлай тугатиш билан боғликдир. Империалистик пропаганда жамиятимизда капитализм қолдиқларини жонлантиришга асосий умид боғлаётган ҳозирги шароитда бу вазифа алоҳида аҳамиятга эга.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми партиянинг идеология соҳасидаги ишларига якун ясаб, тажрибаларни умумлаштирди, вазифаларни белгилаб, шу билан бирга асосий камчиликларни ҳам кўрсатиб берди.

Область партия комитетининг мазкур пленумида биз областимиз партия ташкилотининг идеология иши соҳасидаги аҳволни ҳар тарафлама муҳокама қилишимиз ва КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини тезроқ амалга оширишга, меҳнаткашомма ўртасида ғоявий-тарбиявий соҳада қилинаётган ишлар савиясини оширишга қаратилган конкрет тадбирларни белгилаб олишимиз лозим.

Шундан сўнг докладчи КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети VIII пленуми қарорлари муносабати билан амалга ошириш лозим бўлган практик масалалар ва вазифалар ҳақида тўхталди.

Область партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кўрсатмасига амал қилиб, кенг меҳнаткашлар оммасини коммунистик руҳда тарбиялаш юзасидан пропаганда, агитация ишлари савиясини янада яхшилаш юзасидан анчагина ишларни қилди. Пропаганда ва агитациянинг форма ва усуллари тобора такомиллаштириляпти, партия ташкилотлари бу усул ва формалардан кенг фойдалана бошладилар. Идеология ишлари хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш ишига бўйсиндирилмоқда.

Бу йил колхозчилар, совхоз ишчилари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қўпайтириш юзасидан зиммага олган мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга эришмоқдалар, деҳқончилик маданиятини ошириш, хўжаликларни ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш, иқтисодий ишларни яхшилаш соҳасида бир мунча ишлар қилинмоқда.

Тошкент область пахтакорлари об-ҳавонинг ноқулай келишига қарамасдан қийинчиликларни енгдилар, фидокорона меҳнат қилиб, илғор агротехникани қўлланиб, резервлардан тўла фойдаланиб, олинган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайдиган ҳосилга замин яратдилар.

Мўл «оқ олтин» ҳосили учун курашда пахтакорларнинг ўзаро ва ижодий ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланмоқда. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб: «Қўшнининг ери ўтай эмас», «Илғорлар умумий юксалишга эришиш мақсадида қолоқларга ёрдам берадилар» деган шиор асосида ишламоқда.

Областимиз пахтакорлари Турсуной Охунова, Валентин Тюпко-дек донгдор ва ажойиб механизаторларга тенгланиш учун курашмоқдалар. Улар ўзларининг ватанпарварлик бурчларини чуқур ҳис қилиб, ўз ихтиёрлари билан республиканда биринчи бўлиб қамҳосилли бригадага ўтишди. Ана шу йўл билан қолоқ бригадани ҳам илғорлар даражасига кўтаришга отланишди. Ҳозир 200 дан ортиқ киши ўзининг илғор коллективини ташлаб қолоқ бригадаларни бошқаряпти.

Оққўрғон бошқармасидаги «ЎзССР беш йиллиги» совхози, Димитров номли, «Ленинград» колхозлари, Юқори Чирчиқ бошқармасидаги «Политотдел», Свердлов номли, «Правда», «Ўзбекистон» колхозлари, шунингдек Ўрта Чирчиқ бошқармасидаги «Полярная звезда», Охунбобоев номли колхозлар, Калинин бошқармасидаги «Қизил Ўзбекистон», Янгийўл бошқармасидаги Охунбобоев номли, Собир Раҳимов номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», «XIX партсъезд» колхозлари ва бошқа бир қатор хўжаликларда ғўза парвариши соҳасида яхши ишлар қилинаяпти, мўл ҳосил тўпланмоқда.

Илғор хўжаликлар ва бригадалар мисолида шуни айтиш мумкинки, қаерда меҳнат яхши ташкил этилса, резервлардан тўла фойдаланилса, барча куч ва воситалар қийинчиликларни енгишга сафарбар этилса, ўша ерда яхши муваффақиятлар қўлга киритилади.

Колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари хўжаликнинг бир қатор тармоқларини юксалтириш учун курашда баъзи муваффақиятларни қўлга киритдилар. Областда давлатга пилла сотиш мажбурияти ортиги билан бажарилди, ярим йиллик ғўшт, жун, тухум сотиш планлари ҳам адо этилди.

Ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда ҳозирги кунга қадар давлатга анча кўп картошка, сабзавот, мева сотилди.

16 июлда областимиз колхоз ва совхозлари давлатга ғалла сотиш планини муддатидан илгари бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Ватан омборларига 1 миллион 35 минг пуд ғалла — ўтган йилдагига қараганда икки баравар кўп ғалла етказиб берилди.

Ғалла учун курашда Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Бўка бошқармалари айниқса яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлайдиган саноат ҳам яхши ишлаяпти.

Юқорида айтиб ўтилган муваффақиятлар катта ишларимизнинг бошланишидир, биз зиммага олган план ва мажбуриятларни бажариш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Шуни ҳисобга олиш керакки, қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда, колхоз, совхозларнинг, корхоналарнинг ишида муҳим камчиликлар бор ва биз бу камчиликларни фақат ташкилотчилик ва идеология ишларини кучайтириш билангина бартараф қилишимиз мумкин.

Бизнинг барча кадрларимиз шуни чуқур тушуниб етишлари ва ҳамма вақт эсда тутишлари керакки, идеология ишларининг натижаси ва таъсирчанлиги пахта, ғўшт, сут, сабзавот, канап ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тонналари билан ўлчанади, биз ишларнинг муваффақиятига одамларнинг қўли ва онги билан яратиладиган моддий бойликларнинг салмоғига қараб баҳо берамиз. Одамларнинг юрагида ғайратни жўш урдириш, уларни янги жасорат ва меҳнат ғалабаларига руҳлантириш учун эса уларнинг онглилигини муттасил ошира бориш талаб қилинади. Социалистик жамият аъзоларининг онглилиги қанча юқори бўлса, деб уқтиради Н. С. Хрушчев уларнинг ижодий активлиги шунчалик тўла ва кенг қучаяди боради.

Биз тўла асос билан айта оламизки, областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг асосий қисми ҳалоллик билан меҳнат қилиб, ўзининг куч-ғайрати, билими ва тажрибасини умумхалқ ишига сафарбар қилмоқда. Ўзига топширилган вазифани шараф билан адо этиш учун ҳаракат қилмоқда.

Юқорида айтиб ўтганимиздек областимиз колхоз ва совхозларидаги машъалларимиз меҳнатда ажойиб намуна кўрсатиб, ташаббус билан чиқмоқдалар.

Бизда ажойиб колхозчи, совхоз ишчиси ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг уста кадрлари етишиб чиқди. Уларга ҳар қанча суянса, ўрнак олса арзийди. Булар Турсуной Охунова, Валентин Тюпко, Люба Ли. Ҳакимполвон Қодиров, Анвар Эгамназаров, Чачи Мустафо, Мария Ковалева, Саодат Гулаҳмедова, Шевкет Атаманов, Турсуной Раимова, Роза Отабоева, Александра Ни, Роза Квон ва бошқа юзлаб ташаббускорлардир. Улар ўзларининг она-Ватанга содиқликлари, ватанпарварлик бурчларини шараф билан адо этаётганликлари туфайли ҳам халқнинг чуқур ҳурматига сазовор бўлишяпти.

Шу билан бирга бизда ана шу соф виждонли меҳнаткашлар билан бирга қадам ташламаётган, ўғирлик, ўзбошимчалик, чайқовчилик, қўзбўямачилик, порахўрлик, ичкиликбозлик йўлига кириб кетган ва давлат, жамият ишига зиён етказаётган кишилар ҳам учраб туради. Бу тарбиявий ишларимизда муҳим камчиликлар борлигидан далолат беради.

Бироқ ана шу нормал бўлмаган ҳолни фақатгина тарбиявий ишларнинг бўшлигига боғлаб кўрсатиш нотўғри бўлур эди. Бу ерда оз бўлса ҳам прокуратура, милиция, суд органларининг айби бор, улар совет қонунлари қучидан жиноятчиларга қарши курашда жуда суст фойдаланмоқдалар. Жиноятнинг олдини олиш юзасидан профилактик ишлар билан кам шуғулланмоқдалар. Улар жиноий хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги сигналларга ҳамма вақт ҳам қулоқ солмайдилар.

Областнинг бир қатор хўжаликларида баъзи бир раҳбарлар томонидан партия, давлат интизомининг бузилишига ҳамда қўшиб ёзиш, жамият мулки ва моддий бойликларни талон-торож қилиш сингари шармандали ишларга йўл қўйилди.

Юқори Чирчиқ бошқармасидаги Ленин номли ва «Ленинизм» колхозларининг собиқ раҳбарлари Талаббоев ва Тожибоев ўртоқлар бир неча йиллар давомида пахта сотиб олиш учун тайёрлов пунктларидан товарсиз накладнойлар олиб келганлар, колхоз мулкини ўғирлаганлар, талон-торож қилганлар. Шу райондаги «Ленинский путь» колхозининг раҳбарлари ҳам номуносиб ишлар билан шуғулланишган. Буларнинг ҳаммаси Юқори Чирчиқ районининг собиқ раҳбарлари (М. В. Ким ва бошқалар) кўз ўнгида рўй берган. Улар ўзларининг аҳмоқликлари билан ўғирликка йўл қўйганлар.

Порахўрларга ва қўзбўямачиларга принципсизлик билан муносабатда бўлганлиги учун М. В. Ким район ижроия комитетининг раислиги вазифасидан олиб ташланди ва жазоланди.

Ҳозирги кунда ҳам баъзибир партия комитетлари ўғирлик элементларига қарши курашда етарли жасорат кўрсатмаётирлар, уларга либераллик билан муносабатда бўлиб амалда хаспўшламоқдалар. Масалан, Калинин бошқармаси партия комитети Навоий номли колхоз раиси ўртоқ Аҳмедовнинг жиноий хатти-ҳаракатига кескин зарба бермади, фақатгина унинг ахлоқини партия комитети бюросида муҳокама қилиш билангина чекланиб қўяқолди. Бекобод ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети ҳам ўзининг масъуллиятсизлиги билан давлатга бирмунча зарар келтирган. Район матлубот жамияти тайёрлов конторасининг директори Қорабоевнинг жиноий ишига баҳо беришда ҳам принципсиз йўл тутди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети пленуми ва ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг докладида Бекобод районидаги баъзи бир партия ташкилотлари, хусусан 1-«Далварзин» совхозидаги ўрта мактаб партия ташкилотининг меҳнаткашлар шикоятига расмиятчилик — бюрократчилик билан муносабатда бўлганликлари жуда тўғри танқид қилинди. Афтидан, у ердаги меҳнаткашларнинг хат ва шикоятларининг ижодий активлиги ўсиб бораётганлигидан далолат бериши унутиб қўйган бўлсалар керак. Улар ўз хатларида қонунсиз ва жиноий хатти-ҳаракатларга чидаб туролмасликларини айтганлар, кўзбўямачиларни, бюрократларни, бегам раҳбарларни фош қилганлар. Ҳар бир хат, ҳар бир сигнал сира ҳам эътиборсиз қолмаслиги лозим.

Бироқ кўпгина ташкилотларда меҳнаткашларнинг хат ва шикоятлари билан ишлаш, келувчиларни қабул қилиб олиш ишлари юксак талабга жавоб бермайди.

Меҳнаткашларнинг хат ва шикоятларига эътиборсизлик билан бюрократларча муносабатда бўлиш ҳолларига кескин зарба бериш лозим. Ҳамма ерда бу ишда жиддий тартиб ўрнатиш керак.

Кейинги йилларда область партия ташкилотлари аҳоли ўртасида атеистик пропагандани кучайтириш юзасидан кўпгина иш қилдилару, бироқ буни ҳали қониқарли деб бўлмайди. Шунинг учун бўлса керак диний маросимларда қатнашаётганлар эмас, ёшлар ҳам иштирок этишяпти.

Динга қарши пропаганда ишларини кескин даражада кучайтириш лозим. Бу ишни системали равишда олиб бориб, унинг чинакам жанговар характерда бўлишига эришмоқ керак. Динга қарши пропаганда олиб борганда диний дунё қарашнинг асоссизлиги ҳамда зарарини фош қилиш, меҳнаткашлар ўртасида совет фани ва техникаси эришаётган ютуқларни кенг тарғиб қилиш зарур. Динга қарши ўтказиладиган турли тадбирлар, лекциялар, кечалар, дин билан алоқасини узган кишилар билан ўтказиладиган атеистик суҳбатлар ва бошқаларни ҳар тарафлама ўйлаб, яхши ташкил қилиш керак. Бу соҳадаги ишларни яхши йўлга қўйишда «Знание» жамиятининг область бўлими партия ташкилотларига яқиндай ёрдам кўрсатиши керак. Бу жамият бўлими динга қарши пропагандани ҳозир жуда суст олиб бораяпти.

Хотин-қизларга нисбатан бойфеодалларча, нодўстона ва қўпол муносабатда бўлиш ўтмишнинг энг ҳунук сарқитларидан ҳисобланади. Ҳозирги вақтда хотин-қизларга нисбатан қилинаётган очиқдан-очиқ ва йўл қўйиб бўлмайдиган хатти-ҳаракатлар жуда камдан-кам учрамоқда. Лекин шунга қарамай, ҳали шундай одамлар ҳам учраб турадики, улар хотин-қизларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда актив қатнашишларига қаршилик кўрсатадилар, ҳатто уларга паранжи ёпинтирмоқчи ҳам бўладилар. Бундай кишилар зиёлилар орасида ҳам кўзга ташланади.

Кўп хотин олишлик, ёш қизларни эрга бериш ва уларни ўқишдан тортиб олиш каби ўтмишнинг шармандали сарқитлари ҳали ҳам бутунлай тугатилган эмас.

Хотин-қизларни партия, совет, хўжалиқ ҳамда жамоат ташкилотларидаги раҳбарлик лавозимларига кўтаришга етарли эътибор бермаслик қоллари ҳам учраб турадики, бу — уларга нисбатан нотўғри муносабатда бўлишнинг кўринишларидир.

Шундай раҳбарлар ҳам борки, улар хотин-қизлардан кадрлар тайёрлаш ва уларни юқори лавозимларга кўтаришнинг муҳимлиги ҳақида жуда кўп гапирадилар. Лекин амалда эса ўзлари ҳеч қандай иш қилмайдилар, кўп ҳолларда эса бу ишга ҳалақит ҳам берадилар. Масалан, Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасини олайлик. Бошқармадаги колхозларда 395 бригадир орасидан хотин-қизлар атиги 7 кишини ташкил қилади. 89 та бошланғич партия ташкилотининг секретарлари орасида атиги 13 та хотин-қиз бор.

Яна шундай фактдан кўз юмиб ўтиб бўлмайдики, айрим партия ташкилотларида илғор хотин-қиз — қишлоқ меҳнаткашларини КПСС сафига қабул қилишнинг аҳамиятига лозим даражада эътибор берилмаётир.

Партия ташкилотлари хотин-қизлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кун сайин яхшилашлари, уларнинг ижодий ташаббусларини ва қимматли маслаҳатларини актив равишда қўллаб-қувватлашлари, хотин-қизларга нисбатан бойфеодалларча муносабатда бўлишни бутунлай тугатишлари, бу ярамас сарқитни ташиб юрувчи кишиларга аёвсиз зарба беришлари лозим.

Докладчининг таъкидлаб ўтишича, кишиларнинг онги ва хулқидаги ўтмиш сарқитларини тугатиш ҳақида гап бораётганида, хусусий мулкчилик тенденцияларини четлаб ўтиб бўлмайди. Бундай тенденциялар қишлоқдаги айрим кишилар ўртасида учраб туради.

Контролнинг йўқлиги ҳамда ғоявий-тарбиявий ишларнинг мақсадга мувофиқ равишда йўлга қўйилмаганлиги натижасида айрим колхоз ва совхозларда шахсий хўжаликлар кенгайиб кетаяпти. Томорқа участкаларини кўпайтириш мақсадида учум жамоатчилик еридан фойдаланиш, белгиланган нормадан ортиқ даражада қора молларга эга бўлиш фактлари учраб турипти. Жумладан, Бўкадаги ва бошқа ишлаб чиқариш бошқармаларидаги хўжаликларда шундай ҳоллар учрамоқда.

Ўтмишнинг кишилар онги ва хулқидаги сарқитлари кишиларга нисбатан идеологик таъсир кўрсатиш бўшаштириб юборилган жойларда, айниқса, кўпроқ учраб туради.

Партия биздан буржуа идеологиясига қарши курашни кучайтириш, империализмнинг инсонни кўраолмаслик моҳиятини, унинг ваҳший одат ва ахлоқини, кишиларни ёмон йўлга судровчи маданиятини фош қилишни талаб этмоқда.

Область партия ташкилотининг вазифаси — капитализм сарқитларига қарши курашни кун сайин кучайтириш, совет кишилари онгини эски тузумнинг барча маразларидан халос қилиш, коммунизм иши учун актив ва саботли курашчиларни тарбиялаб етиштиришдан иборатдир.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми ҳарбир совет кишисида ижтимоий-фойдали меҳнатга нисбатан муҳаббат ва ҳурматни тарбиялаш партия, совет, касаба союз ва комсомолнинг идеология соҳасидаги ишларининг марказини ташкил қилишини кўрсатиб ўтди.

Коммунизмнинг актив ва онгли қурувчиларида меҳнат тарбиясини кучайтириш партия ташкилотларининг диққат марказида бўлмоғи лозим. Кишининг меҳнатга нисбатан муносабати — унинг коммунистик онглилигини, умумхалқ ишига содиқ эканлигини кўрсатувчи асосий белгидир.

Область партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмаларига амал қилиб, ишчилар, колхозчилар, зиёлилар ва аҳолининг ҳамма қатламлари ўртасида меҳнат тарбиясини кучайтириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қиладиган, коммунистик меҳнат учун кураш ҳаракатини ривожлантиришга янада кўп эътибор берадиган бўлиб қолди. Коммунистик меҳнат учун кураш ҳаракатида юксак унумдорлик, янги техникани эгаллаш, билимларга бўлган интилиш, кишилар ўртасидаги янгича муносабатлар учун кураш, коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексини амалга ошириш йўлидаги ҳаракат бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган.

Коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорлари, деган юксак ҳамда шарафли ном учун курашаётган коллективлар, бригадалар, звенолар ва хўжаликларнинг сони тобора ортиб бормоқда.

Бироқ, бу соҳада ҳали жуда кўп иш қилишимизга тўғри келади. Бир қатор партия ташкилотларида меҳнат тарбиясига, меҳнатга қобилиятли барча аҳолини ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилиш ишига лозим даражада эътибор берилмаётир. Айрим колхозчилар, совхоз ишчилари ўзларининг меҳнат бурчларини бажаришдан бўйин товлаяптилар, ялқовлиқ қилаяптилар, текин ҳаёт кечираяптилар. Эндиликда бу каби ярамас ҳоллар билан муросасозлик қилиб бўлмайди.

Биз кишиларда янги меҳнат интизомини, меҳнатга коммунистик муносабатни тарбиялар эканмиз, партиямизнинг бир-бири билан маҳкам боғлиқ бўлган ахлоқий ҳамда моддий стимулларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган сиёсатини қатъийлик билан амалга оширмоғимиз лозим.

Ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитети секретарларининг кўпчилиги, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари коммунистик меҳнат учун кураш ҳаракатини тарғиб қилиш билан бўш шуғулланиляпти, коммунистик меҳнат бригадалари ва коллективларининг ютуқларини, уларнинг энг яхши намуналарини оммалаштиришмаяпти.

Айрим жойларда коммунистик меҳнат учун мусобақани ташкил қилишда шов-шувга, формализмга, ишга жиддий муносабатда бўлмасликка йўл қўйилмоқдаки, бу ҳол ана шу ажойиб ҳаракатнинг ривожланишига ҳалақит бераяпти.

Область партия ташкилотининг вазифаси — аҳоли ўртасида меҳнат тарбиясини яхшилашдан, коммунистик меҳнат учун мусобақани кучайтиришдан, ялқовлар, текинхўрларга ҳамда жамоатчилик олдидаги ўз бурчини унутиб қўйётган барча кишиларга қарши кескин кураш олиб боришдан иборат. Кишиларнинг ижтимоий-фойдали меҳнатга актив равишда қатнашишлари асосий масаладир.

Барча коммунистларни ва партиясизларни марксча, ленинча назария билан қуроллантириш идеология ишининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу назарияни ўрганишни ҳаёт билан чамбарчас боғланган ҳолда олиб бормоқ лозим. Бунда ҳосил қилинган билим ишлаб чиқаришда энг яхши натижаларга эришишда меҳнаткашларга ёрдам берсин, халқимиз ҳаётида коммунистик ижтимоий муносабатларни ва коммунистик ахлоқни қарор топдиришга ёрдамлашсин.

Кейинги йиллар ичида, айниқса КПСС XX съездидан сўнг меҳнаткашларнинг сиёсий онгини ошириш соҳасида жуда кўп ишлар қилинди: сиёсий билим беришнинг таъсир доираси кенгайди, унинг форма ва методлари такомиллаштирилди, турмуш билан алоқаси мустаҳкамланди.

Ўтган ўқув йилида сиёс

КОММУНИЗМ КИШИСИНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

(Боши иккинчи бетда)

— Шу билан бирга,— дейди докладчи,— пропагандист агитатор кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ишига ҳамиша жиддий эътибор берилмаяпти. Пропаганда ва агитация ишлари кўп ҳолларда тайёргарлиги яхши бўлмаган, обрўси йўқ. лекция ва суҳбатларни юксак ғоявий даражада ўтказиш қобилиятига эга бўлмаган кишиларга топширилади. Улар бу ишни иқтисодий ва маданий қурилиш вазифалари билан яхши боғлай олмайдилар, меҳнаткашларнинг ғоявий талабларини тўла қондиролмайдилар.

Пропагандист ва агитатор кадрлар танлашга бўлган муносабатни кескин даражада ўзгартирмоқ зарур. Сиёсий маориф ва оммавий агитация ишларини яхши сиёсий тайёргарлиги бўлган ва обрўли кишиларга, турмушни ва ишлаб чиқаришни яхши биладиган, оммани катта меҳнат ишларига сафарбар қилиш қобилиятига эга бўлган кадрларга топширмоқ керак. Пропаганда ишларини шу тахлитда қурмоқ керакки, унинг таъсири ҳарбир кишига етиб борсин. Аҳоли яшаб турган жойларда агитация ишларини кучайтиришга, маълум территорияларга биркитилган сиёсий ташкилотчилар фаолиятини янада активлаштиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Бизнинг матбуотимиз ҳамда радио идеологиянинг қудратли қуролидир.

Область газеталари, шунингдек ишлаб чиқариш бошқармаларининг газеталари меҳнаткашларни пахта етиштиришни кўпайтириш ва қишлоқ хўжалигининг бошқа ҳамма соҳаларини юксалтириш учун курашга сафарбар қилишда, оммани ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашда, колхоз ва совхоз ишлаб чиқариши машъалларининг тажрибаларини кенг ёйишда партия ташкилотларига катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Лекин, бу газеталарда экономика ва маданиятни ривожлантиришнинг туб масалалари ҳар доим ҳам ўткир қилиб қўйилмайди, совет кишиларининг коммунистчасига яшаш ва ишлашларига ҳалақит бераётган масала лозим даражада таҳлил қилинмайди.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишларини кучайтиришда маданий-оқартув муассасалари — клублар, кутубхоналар, бадиий ҳаваскорлик коллективлари катта роль ўйнайди. Қишлоқларимизда 16 та маданият уйи, 145 клуб, 80 га яқин қироатхона ва 245 кутубхона бор. Бу — жуда катта маданий куч бўлиб, омма ўртасида сиёсий ишларни кучайтириш учун яхши база ҳисобланади.

Маданий-оқартув муассасаларининг кўпчилиги сиёсий билимларни тарқатишнинг, аҳоли маданий дам олишни уюштиришнинг чинакам ўчоқларига айланиб қолди. Бироқ, бу муассасаларнинг ишлари ҳамма жойда ҳам меҳнаткашларнинг маънавий талабларига жавоб бермайди. Бир қатор жойларда эса уларнинг фаолияти тўхтатиб қўйилган.

Маданият уйлари, клублар ва кутубхоналарнинг ишини ҳамма жойда яхшиламоқ лозим, токи улар фаолиятининг мазмуни ишлаб чиқаришни юксалтиришнинг етилган вазифаларига жавоб берсин, колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари, бутун қишлоқ аҳолисининг ғоявий ва маданий талабларини қондирсин, уларнинг ишини яхши йўлга қўйишда ижодий союзлар — ёзувчилар союзи, композиторлар союзи, республика пойтахтининг театр колективлари якиндан ёрдам кўрсатишлари лозим.

Сўнгра докладчи ёш авлодни тарбиялашда мактабнинг ролига тўхталиб ўтади ва айтадики, мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қонунга биноан амалга оширилаётган ишлар ўзининг ижобий натижаларини бераяпти.

Лекин таълимни қайта қуриш ҳамма мактабларда ҳам кўнгилдагидек бормаяпти. Кўпчилик жойларда бу муҳим ишга ҳозирча қарашади. Ўқув ва тарбия ишларини олиб боришда камчиликларга йўл қўйишади.

— Идеология ишларини яхши йўлга қўйиш, — деб сўзида давом этади докладчи, — халқни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида муттасил тарбиялаш, бизга ёт бўлган идеологияга қарши кескин кураш олиб бориш демакдир.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми меҳнаткашларни социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш ишларини кучайтириш, мамлакатимиз халқларининг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлаш, СССР халқлари маданиятини бойитишга актив ёрдамлашиш, миллатчилик, маҳаллийчиликнинг, миллий чекланиш, ўтмишни идеаллаштириш, реакцион традиция ва урф-одатларни мақташнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кескин кураш олиб бориш вазифаларини партия ташкилотлари зиммасига юклади.

СССР халқларининг дўстлиги тобора ўсиб ва мустаҳкамланиб боряпти. Тошкент области территориясида 60 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Уларнинг ҳаммаси Ватан бахт-саодати, умумий мақсад — коммунизм тантанаси йўлида биргаликда меҳнат қилмоқдалар ва аҳил бўлиб яшамоқдалар. Партия ташкилотлари ҳалқларимиз ўртасидаги қардошларча дўстликни ҳар тарафлама янада мустаҳкамлашга доим катта эътибор беришлари керак.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми партия раҳбарлиги идеология ишларида муваффақият қозонишнинг асоси эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврда партиянинг раҳбарлик роли тобора ортиб боради, унинг совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги масъулияти янада кучаяди. Партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари корхоналар, колхоз ва совхозлар, ижодий ташкилотлар, илм-фан муассасалари, халқ маорифи, маданият соҳасида ғоявий-тарбиявий ва маданий-оқартув ишларига ҳар тарафлама чуқур ёндашишлари лозим, ташкилотчилик ва идеология ишларининг бирлигини таъминлашлари, идеология соҳасида партия раҳбарлигининг форма ва методларини такомиллаштиришлари зарур.

Сўнгра докладчи айтадики, область партия комитети ва унинг бюроси, шунингдек, ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетларининг кўпчилик секретарлари, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари омма ўртасида ғоявий-сиёсий ва тарбиявий ишлари яхши йўлга қўйиш масалалари билан етарли шуғулланмаяптилар. Ўртоқ Ш. Р. Рашидов бизнинг бу камчилигимизни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII Пленумида жуда тўғри кўрсатиб ўтди.

Область партия комитети ҳамма жойда, барча хўжаликлар, бригадалар, фермалар, корхоналар ва муассасаларда идеология ишларининг мақсадга мувофиқ равишда, конкрет бўлишига, область меҳнаткашлари ҳал қилаётган вазифалар билан мустаҳкам боғланган ҳолда бўлишига ҳали эришганича йўқ.

Июнь Пленуми ёшлар ўртасида ғоявий-тарбиявий ишларни яхшилаш, бу муҳим вазифани ҳал қилишда комсомол ролини оширишнинг аҳамиятига алоҳида эътибор берди. Партия ташкилотлари ҳар бир ёш кишини коммунизм иши учун саботли ва фидокор курашчи, ўз мамлакатининг чинакам хўжайини, кекса авлод томонидан яратилган ҳамма нарсаларни асқотдид ҳурмат қилувчи қилиб тарбиялашлари лозим. Тарбиявий ишларни яхшилашда қасаба союзлари, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг роли ва масъулияти ниҳоятда каттадир.

Область партия комитети, — дейди докладчи, — КПСС Марказий Коомитети июнь Пленумининг якунларини колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари пахтадан мўл ҳосил олиш учун курашни тобора кизитаётган, юксак мажбуриятларнинг тақдири ҳал қилинаётган бир вазиятда муҳокама қилмоқда. Пахта учун кураш ўзбек халқининг Совет Иттифоқидаги барча қардош халқлар олдидаги, социалистик мамлакатларнинг халқлари олдидаги ватанпарварлик ва интернационал бурчи бўлиб келди ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Омма ўртасида идеология ишларини кучайтириш — реал натижаларга эришиш имконини бермоғи, барча хўжаликлар, бригадалар ва звеноларда пахтадан мўл ҳосил етиштиришга қаратилган амалий ишларда акс этмоғи лозим.

Бу йил область партия ташкилоти, колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари масъулиятли синовдан ўтадилар: улар пахта етиштиришдаги қолоқликка кескин барҳам бериб, қабул қилинган план ва мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишига эришмоқлари лозим. Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII Пленумида кўрсатиб ўтилганидек, бизнинг ташкилотчилик ишларимиз ҳали юксак талаблар даражасида эмас. Бу нарса ғўза парваришида ҳам кузга ташланмоқда. 30 процент майдондаги ғўзамиз ривожланишдан орқада қолаяпти. 9 минг гектарга яқин майдондаги экин ўт орасида қолиб кетган. Ғўзани сугориш ва чеканка қилиш кечиктирилмоқда. Кўп жойларда ўсимликнинг қуриб қолиш ҳоллари рўй бераяптики, бунга сира ҳам тоқат қилиб бўлмайди.

Озарбайжон ва Қозоғистоннинг Чимкент областидан келган ўзаро текшириш бригадалари якинда Тошкент областининг колхоз ва совхоз далаларида ҳам бўлиб, биз йўл қўяётган юқоридаги камчиликларни ҳаққоний равишда кўрсатиб ўтдилар.

Агар биз яқин кунлар ичида катта майдонлардаги ғўзанинг ўсишдан қолаётганлигининг олдини олувчи амалий чоралар кўрмасак, ҳар бир звено, бригада ва ҳар бир бўлимда ғўза парваришига эътиборни кучайтирмасак, пахта топшириш юзасидан олган мажбуриятимиз барбод бўлиши турган гап.

Маълумки, янгийўллик пахтакорлар «оқ олтин» етиштиришни кўпайтириш учун мамлакат миқёсида мусобақа бошлашнинг ташаббускори бўлиб чиқдилар. Бу қиймматли ташаббус КПСС Марказий Комитети томонидан маъқулланиб, мамлакатимиздаги барча пахтакорлар учун тавсия қилинди. Бу эса Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасининг партия комитети, колхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари зиммасига олинган юксак мажбуриятларни бажариш учун бутун воситаларни сафарбар қилиш вазифасини юклади. Лекин шунга қарамай, Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасининг ва партия комитетининг раҳбарлари ўзларига билдирилган ишончни оқлай олмасдан, сиёсий қалтабинлик қилдилар. Ўзларининг Ўзбекистондаги барча партия ташкилотлари олдидаги юксак масъулиятларини тушунмадилар. Мазкур бошқармага қарашли колхоз ва совхозлардаги ғўза областнинг илғор хўжаликлари уёқда турсин, балки ўрта даражадаги хўжаликларида етиштирилаётган ғўзадан ҳам ёмон ҳолатда. Бошқарма раҳбарлари (бошлиғи Сотиболдиев, партия комитетининг секретари Камолов ўртоқлар) ҳамжиҳат бўлиб ишлаш, меҳнатни ташкил қилишни юксак даражада таъминлаш, одам ва моддий кучлардан тўла фойдаланиш ўрнига, ким-кимдан катта, ким-кимга топшириқлар бериши лозим деган принципсиз тортишув билан овора бўлиб қолмоқдалар.

Докладчи КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорлари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда барча партия ташкилотларининг жанговар программаси эканини кўрсатиб ўтади. Пленум қарорларини барча коммунистлар, колхозчилар, совхоз ишчилари ва зиёлилар онгига сингдириш лозим.

— Тошкент қишлоқ область партия ташкилоти, — дейди ўз сўзининг охирида докладчи, — КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини бажариш учун барча чораларни кўради. Омма ўртасидаги идеология ишлари савиясини оширади, коммунистлар барча меҳнаткашлар ва бутун халқнинг куч-ғайратини КПСС XXII съезди томонидан қўйилган улкан вазифаларни бажаришга сафарбар қилади ва бу билан мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш ишига қўшаётган ҳиссасини кўпайтиради, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз.

* * *

Доклад юзасидан бошланган қизғин музокараларда биринчи бўлиб Калинин ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари **Н. Қирғизбоев** сўзга чиқди.

— Калинин ишлаб чиқариш бошқармаси коммунистлари, барча меҳнаткашлар, — деди у, — бизнинг Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети ўтказаётган ленинча сиёсатни қизғин ва бир овоздан қўллаб-қувватлайдилар.

Калинин ишлаб чиқариш бошқармаси партия ташкилотининг коммунистлари ўз йиғилишларида КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи барча коммунистларига, барча партия ташкилотларига Очиқ хатини муҳокама қилиб, КПСС Марказий Комитетининг жаҳон коммунистик ҳаракат қучларини янада жипслаштиришга қаратилган сиёсий фаолиятини маъқулладилар ва шу билан бирга Хитой Коммунистик партиясининг бизнинг партиямиз ва бошқа коммунистик партияларга бўҳтон ва ҳеч бир асосга эга бўлмаган тўҳматини қаттиқ қораладилар. Бизнинг коммунистларимиз ишонч билан шуни айтадиларки, партия, барча совет халқи ленинчи Марказий Комитет атрофига янада маҳкамроқ жипслашадилар ва ўзларининг бутун куч ва ғайратларини коммунизм қурилиши улуғ Программасини амалга оширишга сафарбар қиладилар.

Омма ўртасидаги агитация-пропаганда ишларининг моҳияти кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш, олинган план ва социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажарилишига қаратилган. Қувонч билан айтишимиз керакки, бошқармамиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳозирнинг ўзидаёқ баъзи муваффақиятларга эришдилар. Давлатга пилла сотиш йиллик плани 116 процент, ғалла 122 процент ва тухум сотиш плани 135,6 процент бажарилди. Шунингдек давлатга гўшт сотиш ярим йиллик плани 125 процент бажарилди. Пахтакорларимиз бу йил 20 минг тонна «оқ олтин» етиштириш учун муваффақиятли курашмоқдалар.

Бизнинг оммавий-сиёсий агитация ишларимиз илғор тажрибасини ёйиш ва уларни ҳар бир хўжаликда жорий қилишга қаратилган. Бизда 16 қиз Любовь Ли базидан бориб, бригада ва звеноларга бошчилик қилишаяпти. Улар бу йил ҳар гектар ердан 1000 центнердан кўк поя оладилар, деб қаттиқ ишонамиз.

Далачилик бригадаларида хўжалик ҳисобини жорий қилиш, меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга келтириш ва колхозчилар, совхоз ишчиларининг моддий манфаатдорлигини ошириш юзасидан катта ишлар қилинди. Партия комитети илғорлар тажрибасини ўрганиш, фан ютуқларини оммалаштиришда районимиз территориясида жойлашган 11 қишлоқ хўжалик илмий муассасалари коллективларига таяниб иш кўради. Улар катта тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Экишдан тортиб йиғим-теримгача бизнинг сиёсий ҳамда ташкилотчилик ишларимиз асосан дала шийпонларида олиб борилади. Бизда ҳаммаси бўлиб 444 дала шийпони бор. Улардан 385 таси яхши жиҳозланган, электрлаштирилган, радиоприёмникларга эга.

Бироқ бизда ҳамма иш ҳам силлиқ кетяпти, деб бўлмайди. Калинин партия ташкилоти ишида ҳали йирик камчиликлар бор. Биз илғор тажрибаларни барча хўжаликларда ҳам оммалаштирилишига эришганимиз йўқ. Бизнинг оммавий-сиёсий, маданий-оқартув ишларимиз аҳолининг барча табақасини қамраб олган эмас. Ёшлар ўртасида ишлаш ёмон ташкил этилган, ичкиликбозлик, диний маросимларга қатнашиш, паранжи ёпиниш, хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлиш факт-лари учраб туради. Мактабларда ўзбек қизларини ўқишдан қолдириш ҳолларига ҳали ҳам барҳам берилмаган.

Эътироф қилиш керакки, кўпгина колхоз клублари ҳақиқий маданият ўчоғига айланмаган, ёмон ишламоқда. Уларда кино-картиналар намойиш қилинмайди, лекция ва йиғилишлар аҳён-аҳёнда ўтказилади. Ҳаваскорлик тўгаракларига жуда кам киши қатнашади.

Область партия комитетининг идеология бўлими ҳам бу соҳада бизга ҳали етарли ёрдам бермаётир.

Вахоланки КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарори область партия комитетларининг идеология бўлимлари зиммасига бу соҳада катта вазифалар юклаган.

Сўз Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи **И. Сотиболдиевга** берилади.

— Янгийўл колхозчилари, совхоз ишчилари бу йил 73 минг тонна пахта, 1600 тонна гўшт, 12 минг 300 тонна сут, бир ярим миллион дона тухум, 205 тонна жун, 159 тонна пилла ва бошқа маҳсулот етиштириш мажбуриятини олган эдилар.

Янгийўл колхозчилари ва совхоз ишчилари етти йилликнинг бешинчи йилида мўл пахта ҳосили етиштириш учун уюшқоқлик билан ишга киришдилар. Об-ҳаво қийинчиликлари мардонаворлик билан енгилди. Қаттиқ ёғингарчилик ва дўл туфайли етказилган зарарнинг олдини олиш учун зарур чоралар кўрилди.

Пахтакорларимиз меҳнатда ўрнак кўрсатиб ва қаттиқ интизом билан ишладилар. Шундай қилиб 5 минг гектар ерга чигит қайта экилди, қолган майдонларга қўшимча кўчат ўтқазилди.

Кўчат қалинлиги, ғўза парваришининг ҳозирги аҳволи биз амалга оширган ишларимизнинг асосий ўлчови ҳисобланади.

Бошқармадаги кўпгина хўжаликлар мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Жумладан «XIX партсъезд», «Коммунизм», Ленин номли, «Қизил Октябрь», Охунбобоев номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозларида иш яхши бораяпти.

Қозоғистонлик дўстларимиз 4 июлда текшириш ўтказиб, анчагина камчиликларни кўрсатиб бердилар. Хўжаликларда 3 минг гектар ўсишдан қолган ғўза бор, 3827 гектар майдондаги ғўзани ўт босган. Узунасига ва кўндалангига культивация ҳамда озиқлантириш графиги бирмунча орқада қолмоқда.

Навоий номли, «XXI партсъезд», Ниёзов номли колхозлар ҳамда «Ҳалқобод» комбинатида иш айниқса сust. Дала ишларидаги бу камчилик шунинг учун ҳам рўй бердики, хўжаликларнинг раҳбарлари меҳнатни пухта ташкил этмаётирлар, далада меҳнат қилаётганларга яхши маданий-маиший шароит яратиб берилмайди. Сувдан ёмон фойдаланилмоқда.

Янгийўлликлар ана шу камчиликларни тузатиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар ва ҳозирнинг ўзидаёқ баъзи бир муваффақиятларга эришдилар. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш суръати кучайтирилди.

16 июлда қозоқ дўстларимиз яна далаларимизда бўлишди ва ўзлари кўрсатган камчиликларнинг тугатилишини текширишди. Кўпгина ишлар қилинган эди. Бироқ ҳали бу кам. Ҳозирнинг ўзида ҳам 911 гектар ғўзани ўт босган. 1921 гектар ўсишдан қолган майдон бор.

Биз ғўза парваришини ҳар тарафлама кучайтирамиз, июль ойи ва августнинг биринчи ярмида парвариш ишларини сусайтирмаймиз. Сентябрь ойида ҳам қолоқ участкаларни парвариш қилиш юзасидан ишни давом эттирамиз.

Йиғим-теримга ҳам тайёргарлик кўрмоқдамиз. Бу йил 15 минг тонна пахта машина билан терилади. Машина терими учун далалар ажратилиб, белгилар қўйилиб, пахта териш машиналарининг ҳайдовчиларига бириктирилган.

Бироқ биз терим техникасини тайёрлаш соҳасидаги ишларимиз билан мақтана олмаймиз. Мавжуд 152 пахта териш машинасидан 15 июлга қадар 25 агрегат ишга тушириган. Қоп-қанорсиз ташийдиган тележкаларни, кўсак чувийдиган машиналарни ремонт қилишга ҳали киришилмаган. «Узсельхозтехника»нинг район бўлими ҳам бу соҳада етарли ғайрат кўрсатмаётир. Шундан сўнг ўртоқ Сотиболдиев Чиноз зонасининг Жўн ариги территориясида жойлашган хўжаликларида ғўзани ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини суғориш учун сув етишмаётганлигини айтади.

Сўзининг охирида нотиқ Янгийўл бошқармасининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ишни яхшилаш, етти йилликнинг бешинчи йилида зиммага олинган мажбуриятни бажариш учун курашади, деди.

Минбарда Қозоғистон ССР Чимкент областидаги Сариоғоч ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари **Тумишев.** У Сариоғоч бошқармаси партия комитети ва барча меҳнаткашлари номидан пленум қатнашчиларини қизғин табриклайди.

Ўзаро дўстона ёрдам, илғор тажрибаларни ўртоқлашиш умумий юксалишимизга ёрдам беради. Бошқармамиздаги хўжаликларда, дейди Тумишев, Турсуной Охуновнанинг кўпгина ишдошлари бор. 40 дан ортиқ қиз унга эргашиб ишламоқда. Валентин Тюпкининг методи асосида ишлайдиган механизаторлар 80 дан ошиқ. 32 жўхорикорлик бригадасининг бошлиқлари Люба Лининг мактабида ўқидилар ва ҳозир яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Бизни янгийўлликлар билан кўп нарса боғлайди. Шунинг учун ҳам биз ўртоқ Абдураззоқовнинг докладида янгийўлликларга айтилган танқидни эшитар эканмиз, анча ўнғайсизландик. Лекин иширишнинг ҳожати йўқ. Янгийўлда танқидга арзийдиган камчиликлар бор. Энг биринчи нарса шуки,— дейди ўртоқ Тумишев,— биз Янгийўлда кўпгина колхозчилар билан суҳбатлашганимизда улар КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми тўғрисида жуда кам таассуротга эга эканликларини сездик. Бу партия ташкилотларининг айбидир. Янгийўл бошқармасининг раҳбарлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари йўл кўйилган камчиликларни тугатишга жиддий эътибор беришлари, бугунги пленумда айтилган ҳамма танқидий мулоҳазаларни ҳисобга олиб, сиёсий-оммавий ишларни ва хўжалик фаолияти соҳасидаги ишларни тубдан яхшилашда яқин кунларда кўзга кўринарли иш қилишлари лозим.

«ЎзССР беш йиллиги» совхозининг бригада бошлиғи ўртоқ Анифа **Альчикова** пленум қатнашчиларига ўз бригадасининг иши ҳақида гапириб берди. У айтадики, коммунистик меҳнат бригадаси деган юксак номни оқлаш учун курашмоқдамиз. Ўтган йили мўл ҳосил олинган эди. Бу йил ҳосилдорлик бундан ҳам кўпаяди. Далаларимиз ўтдан тозаланган, ғубор йўқ. Ҳозир тўртинчи вариш бораяпти. Ҳамма куч мажбуриятни бажаришга қаратилган.

— Мен, —дейди ўртоқ Альчикова, — САИМЭ директори ўртоқ Одиловнинг адресига икки-уч оғиз танқидий гап айтмоқчиман. САИМЭ бизнинг ерларимизда тажриба ўтказишга рухсат олган. 32,5 гектар майдонга 80х25 схемаси билан чигит экилган. Ана шу участкада ғўзани парвариш қилишни ўртоқ Одилов қандай ташкил этди? Тўғриси, мутлоқа талабга жавоб бермайди. У ўтказилаётган тажриба билан қизиқмади. Афтидан кабинетда ўтириб ҳам ана шу участкада пахта етиштириш мумкин, деб ўйлайди шекилли. Ҳақиқий олим бундай қилмайди. Бу участкада иш бажариши лозим бўлган «Беларусь» маркали қудратли трактор ҳозир яроқсиз аҳволга келиб қолган. Лекин бу САИМЭдаги ўртоқларни ташвишлантираётгани йўқ. Бизнинг бригада бундай тажриба ўтказилишига хайрон қолади.

Сўнгра ўртоқ Альчикова ўз бригадаси аъзолари номидан айтадики, улар ҳамкорликда меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирадилар, планни октябрь ойининг ўрталарида бажарадилар.

Ўрта Чирчиқ бошқармасидаги Охунбобоев номли колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Гульматов** колхозчилар КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқидаги барча партия ташкилотларига, коммунистларга Очиқ хатини қизғин қўллаб-қувватлаганликларини айтади. Сўнгра, КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми муносабати билан сиёсий-тарбиявий ишлар кўлами кенгайганлигини ва бу соҳада белгиланган тадбирларни айтади. У ўз нутқида колхоздаги сиёсий ташкилотчилар ишига юксак баҳо беради. Сиёсий ташкилотчилар халқнинг энг яқин маслаҳатчилари. Хонадонларга биркитиб қўйилган сиёсий ташкилотчилар омманинг куч ва ғайратини олинган мажбуриятларнинг бажарилишига сафарбар қилмоқдалар.

Колхозимизда 25 агитатор бор. Улар ҳар бир бригадада суҳбат ўтказишганида ўша бригададан мисоллар келтирадилар. Шу туфайли ҳам суҳбат қизиқарли ва таъсирли бўлади. Колхозимизда 85 коммунист бўлса, шулардан 60 киши бевосита пахтачиликда қатнашади. Сиёсий тўгараклар ишлаб турибди. Ҳозирги кунда ҳар гектар еримизда 80-85 минг туп кўчат бор. Ҳар туп ғўзада 3-4 тадан кўсак пайдо бўлган. Сиёсий ташкилотчилик ишларимизнинг бутун моҳияти ғўза парваришини кучайтириб, зиммага олган мажбуриятимизни қоплайдиган даражада ҳосил етиштиришга қаратилган.

Шундан кейин «Тошкент ҳақиқати» газетаси редакторининг ўринбосари ўртоқ **И. Сулаймонов**га сўз берилади.

— КПСС Марказий Комитети Пленуми,— дейди ўртоқ Сулаймонов, — матбуот, радио, кино ва телевидениени партиянинг идеология соҳасидаги зарбдор кучлари деб баҳолади. Совет матбуоти халқнинг туб манфаатларини ифодаловчидир. Бу партиянинг содиқ ва энг яқин ёрдамчиси, коммунизм қурилишининг пропагандисти ва ташкилотчиси. Биз ана шу зарбдор кучларни ҳамиша ва ҳамма вақт актив, жанговар, ҳужумкор бўлиши ҳақида тинмай ғамхўрлик қилишимиз, ўткир ғоявий қуролимизни ҳамма вақт шай ҳолда тутишимиз лозим.

Партиямизнинг матбуот сигналларига тўғри муносабатда бўлиш ҳақидаги қароридан кейин танқидий материалларга жойлардан жавоб келиши анча кўпайди. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, баъзи бошқарма раҳбарлари газетанинг танқидий чиқишларига ҳали ҳам тўғраларча муносабатда бўлмоқдалар. Жумладан Бўка ишлаб чиқариш бошқармасининг раҳбарлари газетанинг танқидий чиқиши ёки редакциянинг текшириб чора кўриш учун юборган, босилмаган шикоят ва аризаларни турли йўллар билан хас-пўслашга уринмоқдалар. Масалан, май ойининг бошларида газетада босилиб чиққан икки танқидий мақолага ҳалигача жавоб олингани йўқ. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII пленумида адабиёт ва санъатнинг юксак ғоявийлиги ва партиявийлиги масаласи кескин қилиб қўйилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида ёзувчилар адресига, ёзувчилар союзига жиддий таъналар билдирилди. Халқимиз адабиётни ва санъатни севади. Афсуски баъзан-бир ёзувчи ва шоирлар ўз ижодларига етарли даражада талабчанлик қилмаётирлар. Хом-хатала асарларини нашриёт, газета ва журналлар редакцияларига келтириб бермоқдалар.

Партия бизга ташкилий ва идеологик тадбирларнинг бутун кучи билан мажбуриятларнинг ҳаҳмятини ошириш, ана шу мажбуриятларнинг ҳар бир сатри учун жавобгарлигини кучайтириш лозим, деб ўргатмоқда. Афсуски, бизда ваъдабозлар ҳали ҳам бор. Масалан, Оққўрғон бошқармасидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози (раиси ўртоқ Рисқулов) ҳар йили катта-катта мажбуриятлар олади. Лекин бу мажбуриятлар бажарилмай қолиб кетаверади. Колхоз тўрт йилдан буён сурункасига пахтачилик соҳасидаги мажбуриятларини бажармай келаяпти. Чунки бу колхозда ана шу мажбуриятни бажарадиган кишилар, жонли одамлар ҳақида чинакамига ғамхўрлик қилинмайди.

Эл-юрт олдида, партия олдида мажбурият олдингми бажар, сўз бердингми устидан чиқ. Бу қоида ҳар бир киши учун муқаддас бўлиб қолиши лозим.

Бўка ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари ўртоқ **Т. Ражабов** сўз олади. Бошқарма коммунистлари ва барча меҳнаткашлар, дейди у, КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини қизғин маъқуллаган ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг нутқи бизда ёрқин таассурот қолдирди. Шунингдек биз КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқидаги барча коммунистлар, барча партия ташкилотларига Очиқ хатини ҳам фахр туйғулари билан кутиб олдик.

Шу билан бирга биз Хитой Коммунистик партиясининг жонажон партиямиз ва бошқа қардош партияларга туҳматдан иборат бўлган бўҳтонларига ҳам бефарқ қарайолмаймиз. Ишонамизки, Хитой Коммунистик партияси шонли революцион традицияларга эга экан, ўз хатосини тугатишга куч топа олади ва тўғри йўлга тушиб кетади.

Ўрток Абдураззоқовнинг докладида бизнинг бошқармамиз адресига айтилган танқидга тўла қўшиламиз.

Ҳар бир кун қишлоқ хўжалиги соҳасида янги хушхабарларни келтирмоқда. Бошқармамиз колхозчилари ва совхоз ишчилари пилла планинигна эмас, мажбуриятини ҳам ортиги билан бажардилар. Гўшт топириш, ғалла топириш ярим йиллик планлари ҳам бажарилди.

Пахта учун кураш бошқармамиз фаолиятининг ўзагидир. Ўзимизнинг бутун ташкилотчилик ва идеология ишларимизни ана шу вазифани бажаришга сафарбар қилаяпмиз.

Ғўзанинг қолоқлигини тугатиш чоралари кўрилмоқда. Биз илғорлар тажрибасини оммалаштиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Тельман номли колхоз ижобий ташаббус бошлади. Колхознинг ўртоқ Х. Қодиров бошлиқ бригадаси КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми материалларини чуқур ўрганиб, пахтачиликдаги барча ишларни механизациялаштиришга, 115 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта топиришга, бир центнер пахтанинг таннархини 6 сўмга келтиришга қарор қилди. Бу ташаббус колхоз партия мажлисида муҳокама қилинди. Колхоз пахтачиликни комплекс механизациялашга бутунлай ва тўла ўтишга қарор қилди.

Агитаторлар, пропагандистлар барча бригадаларда бу янги ташаббуснинг моҳиятини тўла тушунтирдилар, коммунистлар ташаббусни ёйишда ташкилотчилик ролини ўйнамоқдалар. Партия комитети бюроси Тельман номли колхоз ташаббусини маъқуллади. Партия ташкилотларига бу ташаббусни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашни топширди.

Тельман номли колхознинг ташаббусидан кейин колхозлар ва совхозларда 671 механизациялашган звенолар ташкил этилди. Биз кадрларнинг иқтисодий билимини оширишга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Ана шу мақсада хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислар ва бригадирлар учун икки йиллик қишлоқ хўжалик университети ташкил этилди.

Хўжалик ҳисобини янада такомиллаштиришга катта эътибор бермоқдамиз. Барча далачилик бригадалари ва звенолар хўжалик ҳисобига ўтган.

Бошқармамиз хўжаликларида 10 минг 750 сиёсий ташкилотчи бор. Уларнинг асосий қисми партия ғояларини оммага етказувчилардир. Халқнинг энг яқин маслаҳатчилари сифатида уларни ғалабага руҳлантирадилар. «Гулистон», «XX партсъезд» колхозларининг сиёсий ташкилотчилари айниқса яхши ишламоқдалар. Шундан кейин ўртоқ Ражабов районда маданий-оқартув ишларининг йўлга қўйилиши ҳақида гапиради. Районда 13 клуб, 22 кутубхона ва кўпгина тўгараклар бор. Кишиларимизнинг билимга, маданиятга бўлган интилиши зўр. Бироқ биз ҳамма вақт ҳам уларнинг эҳтиёжларини қондира олмаймиз. Бизнинг малакали лекторларимиз йўқ. Шунга қарамай областдан бизга кўпинча тўғри келган лекторлар юборилади. Яқинда бизга Мўминов деган киши революцион Куба ҳақида лекция ўқишга келди. Лекциядан сўнг кимдир Кубада аҳоли қанча? деб савол берди. Лектор лом-мим деёлмади.

Тошкентнинг ижодий интеллигенцияси вакиллари ҳам бизга яхши ёрдам бермаётирлар.

Минбарда қишлоқ область комсомол комитетининг секретари **Б. Тошхўжаев.** У ҳам барча қатори область комсомол ёшлари номидан КПСС Марказий Комитетининг барча партия ташкилотлари, барча коммунистларга Очиқ хатини қизғин маъқуллайди ва Хитой Компартиясининг хатти-ҳаракатларини қоралайди.

— КПСС Марказий Комитети июнь Пленумида,— дейди ўртоқ Тошхўжаев,— ёшлар ўртасида ғоявий-сиёсий, тарбиявий ишларни яхшилашга алоҳида аҳамият берилди. Бу бечиз эмас. Ахир ёшлар коммунизм қуради. Ёшлар коммунизмда яшашади.

Тошкент областида жуда кўп ёшлар коллективлари бор. Улар меҳнатга коммунистчасига муносабатда бўлиш намунасини кўрсатмоқдалар. Янгийўл бошқармасидаги «Ленинизм» колхозининг ўртоқ Озода Маматова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг донги областимизга таралган. Озодага ўхшаганлар бизда оз эмас. «Бўка» совхозининг 2-бўлими ёшлари ҳақида ҳам кўп яхши гапларни айтиш мумкин. Улар бу йил 50 гектар ер ўзлаштирдилар ва ҳар гектардан 18 центнердан «оқ олтин» етиштиришга қарор қилдилар.

Бўка бошқармасида ажойиб ташаббус туғилди. Қишлоқ хўжалик илғорлари илғор коллективнинг ҳар бир аъзоси ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда актив қатнашишни ўзларининг фахри ва бурчлари деб ҳисоблашга қарор қилдилар. Жумладан Тельман номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Х. Қодиров бошлиқ бригадаси ўқувчилар ишлаб чиқариш

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

ЯНГИЙЮЛ РАЙОН НИЁЗБОШИ ҚИШЛОҚ СОВЕТИГА ҚАРАШЛИ 14-ЎРТА МАКТАБ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТИ

Қадрли ўртоқлар! Жонажон Совет Ватанимиз буюк ишларни амалга оширмоқда. Совет халқи жонажон Коммунистик партиямиз раҳбарлигида коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида эўр ғайрат кўрсатиб ишламоқда. Ҳамма нарса совет кишиси учун, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратаётган меҳнатсевар кишилар учун қилинмоқда.

Шу йил июнь ойида Ильич номли 14-мактаб бошланғич партия ташкилоти ҳамда касаба союз ташкилотининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унга мактабнинг ҳамма ўқитувчилари иштирок этдилар. Мажлисда мактабгача ёшдаги болалар муассасаларига ўқитувчиларнинг оталиги масаласи муҳокама қилинди.

Ўзингизга маълумки, мактабгача ёшдаги болалар муассасаларига партия ва ҳукуматимиз катта ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Улар учун қулай шароитлар яратиб берилмоқда. Биз халқ маорифи ходимлари ана шу имкониятлардан тўлиқ фойдаланишимиз лозим.

Мактабимиз педагогик коллективи ҳам мактабгача тарбия ёшидаги болалар муассасаларига яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Ленин номли колхоз территориясида яшовчи мактабгача ёшдаги болаларнинг рўйхати тузиб чиқилди. Марказий боғча, дала боғчаси ёки уйда тарбияланувчиларни ҳам белгилаб чиқдик. Марказий дала ясли-ларига жамоатчи-ўқитувчилар бириктириб қўйилди. Улар болалар муассасалари ишидан доим кўз-қулоқ бўлиб турадилар. Ўз уйларида тарбияланаётган кичкинтойлар тарбиясига айниқса катта эътибор бериб келмоқдамиз.

Ленин номли колхоз марказий боғчасига ўқитувчи ўртоқ Р. Гулматова бириктирилган. Ўртоқ Гулматова боғчада тез-тез бўлиб туради. Ҳатто, айрим вақтларда ўқувчилар билан олиб бориладиган ишлар чиқариш практикасини шу боғчада ўтказади. Болалар боғчасида кичкинтойларнинг яхши тарбияланишлари учун ҳамма имкониятлар муҳайё қилинган. Озода ва шинам хоналар

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА

Янгийўл районидаги 14-мактаб педагогик коллективининг колхоз ва совхозлардаги мактабгача ёшдаги болалар муассасаларига оталик ёрдами тўғрисида:

1. Янгийўл районидаги 14-мактаб ўқитувчилар коллективининг колхоз ва совхозлардаги мактабгача ёшдаги болалар муассасаларига оталик ёрдамини нучайтириш ҳақидаги ташаббуси маъқуллансин.

2. Ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетларига ва халқ маорифи органларига областимиз колхоз ва совхозларидаги мактаб ёшигача бўлган болалар муассасаларига ўқитувчилар коллективларининг оталик ёрдамини нучайтириш топширилсин.

улар ихтиёрига бериб қўйилган. Боғчага келган киши бу қулайликларни кўриб завқланади.

Дала боғчаларига ҳам кўпгина бошланғич синф ўқитувчилари бириктириб қўйилган. Т. Раҳимова, З. Усмонова, Р. Толиббоева каби ўқитувчилар ўз вазифаларини сидқидилдан бажармоқдалар.

Шуни айтиш керакки, мавжуд дала боғчаларининг ҳаммаси ҳам ҳозирги кун талабларига тўла жавоб беролмайди. Айрим камчиликларимиз ҳам бор. Аввало кичкинтойлар ёшинчоқлар билан етарли таъминланмаган. Кўп хоналарнинг поллари йўқ. Шунингдек, бу муассасалар тарбиячилари шу соҳанинг мутахассислари эмас.

Бироқ шунга қарамай, болалар муассасалари ишларини янада яхшилаш тадбирлари кўрилмоқда. Бу ишга, айниқса Ленин номли колхоз правлениеси, партия, комсомол ташкилотлари яқиндан ёрдам беришаяпти.

Бошланғич партия ташкилоти ҳамда касаба союз ташкилотининг қўшма мажлисида мактаб ўқитувчилари болалар муассасаларига оталик ёрдамини кучайтириш бўйича қуйидаги мажбуриятларни олдилар:

мактаб ёшигача бўлган болаларнинг рўйхатини тузиб чиқиш учун қайтадан текшириш ўтказиш; марказий ва дала боғчаларига бириктириб қўйилган ўқитувчиларнинг болалар муассасалари билан алоқасини яхшилаш; марказий ва дала боғчалари учун ўқувчи қизлардан малакали мутахассис кадрлар етказиб бериш; эстетик тарбия масалаларига алоҳида эътибор бериш; мактабгача ёшдаги болалар тарбияси тўғрисида ота-оналар ўртасида суҳбатлар ўтказиб туриш; марказий ва дала боғчалари учун ҳунарманд ўқувчилар кучи билан турли хил ўйинчоқлар ясаб бериш; ота-онаси йўқ болаларнинг рўйхати тузилиб, уларга нисбатан ғамхўрликни янада ошириш; мактаб ҳузурида боғча тарбиячиларининг семинарларини мунтазам ўтказиб туриш; марказий боғчаларда тўгараклар ташкил этиш ва уларга кўплаб ҳаваскорларни жалб этиш, ўз уйларида тарбияланаётган мактабгача ёшдаги болалар тарбиясидан доимо хабардор бўлиб туриш ва бу ишларни микроучасткага бириктирилган ўқитувчиларга юклаш лозим деб топилди.

Азамат пахтакорларимиз мўл «оқ олтин» етиштириш учун маҳкам бел боғлаган эканлар, биз ўқитувчилар ҳам коммунистик ахлоқ руҳи билан суғорилган, тетик, соғлом, ватанпарвар кишилар тарбиялаш мажбуриятини ўз устимизга оламиз.

А. ҚУРБОНОВ

мактаб директори.

Б. ШАХРОМОВ

партия ташкилотининг секретари.

М. ШАМСИЕВ

касаба союз ташкилотининг раиси.

ЁЗ ГАШТИНИ СУРИБ

... Эрта-эрталабдан ҳаво беғубор ёришди. Қуёш уйғонишни билан сокинликка чўмган лагерь яна жонланиб кетди. Янгроқ горн садоси тонг қўйнида узоқ-узоқларга парвоз қилади. Болалар зарядка майдончасида саф тортишди. Ҳамма қувноқ ва бардам.

Ҳўв майдоннинг чап қанотида машқ қилаётган 3-отряд пионерларининг қувончи айниқса чексиз. Ахир бугун уларни мазмунли саёҳат кутиб турибди. Чимён тоғи уларни ўз оғушига олади.

Кеча кечқурун старший пионервожатий С. Мельникова болаларга саёҳатга чиқажакларини айтган эди. Улар кечқурунинг ўзидаёқ саёҳатга пухта тайёргарлик кўриб қўйишди. Бундан хабардор бўлган Аброр Шарипов ўзида йўқ севиниб кетди. Нега дейсизми, чунки у тоққа сира чиқмаган эди. Тўғри-да, тоғ гашти ўзгача бўлади. Унинг тансиқ чиройини айтмайсизми! Қум тепиб турган зумрад булоқлар чашмаларини тўйиб-тўйиб ичганга нима етсин!

Саҳарлаб йўлга чиқадиган одам одатда барвақт уйғонади. Аброр ҳам шундай қилди.

— Биласизларми, болалар, — деди старший пионервожатий С. Мельникова зарядкадан кейин болаларини ўз атрофига тўплаб. — Ҳозир яхшилаб нонушта қилиб оламиз. Кейин йўлга тушамиз.

Ҳақиқатан ҳам айтилган вақтда автобус келиб, болаларни «Чимён» тоғига олиб кетди. Саёҳат-роҳат деганларича бор экан. Бу сафар кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Болалар турли хил гербарийлар тўплашди, ҳархил тошлар йиғишди.

Лагерда дам олаётган болалар социалистик Чирчиқ шаҳри бўйлаб саёҳатга чиқишганда ҳам роса маза қилишганди. Шунақа, болалар лагерга келгандан бери ўлкамизнинг кўп жойларини бориб кўришди. Хуллас, ҳарбир кун кўнгилли ва хушчақчақ ўтаяпти.

Буларнинг ҳаммаси «Лагерь хотиралар дафтарчаси»га ёзиб борилади. Ҳозирнинг ўзида бу дафтарчанинг бир неча вараги тўлдирилди. Уни варақлаб кўрсангиз лагерда амалга оширилаётган қизиқ-қизиқ тадбирларнинг шоҳиди бўласиз.

Айтгандай, бу дафтарча хайрлашув гулхани ёқилган кунда ҳам яна бир бор варақлаб чиқилади. Ҳа, хайрлашув гулхани атрофида давра қуриб қувноқ, хушчақчақ суҳбатлашиб ўтиришнинг ўзгача гашти бўлади. Бу кунга оз вақт қолди.

Эҳтимол гулхан атрофида Люда Сайфулина ўрганган ажойиб ҳунари ҳақида гапириб берар, ёки Анвар Изомов ўтказилган спартакиадада қандай қилиб ғолиб чиққанлиги тўғрисида завқланиб сўзлар, эҳтимол Дилбар Усмонова ўқиган китобларидан олган таассуротларини ҳикоя қилар. Ҳа, ҳарбир ўқувчи лагерда бой таассуротлар олаяпти. Чунки, лагерда болаларнинг хушчақчақ дам олиши учун ҳамма имкониятлар муҳайё.

Яшил соябонини қуёшга тутган ям-яшил дарахтлар бағрига жойлашган «Пионерская зорька» пионер лагери Ўзбекистон ССР Фанлар академияси олимлари ва илмий ходимларининг фарзандлари ихтиёрига бериб қўйилган. Бу йил лагерь 3 сменада ишлайди. 2-сменада ҳозир 316 ўғил-қиз ёз гаштини сурмоқда.

Лагерь бу йил анча кенгайди. Янги бассейн ва палаткалар қурилди. Бу ишларга фанлар академияси яқиндан ёрдам бериб, ўз оталиғидаги пионер лагери учун нимаики керак бўлса ҳамма муҳайё қилинмоқда.

А. АЛИЕВ.

Сўлим боғ қучоғида суҳбат авжида.

А. Абалян фотоси.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

23 ИЮЛДА

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Яна келдим қучоқларингга** (мактаб ўқувчилари учун). 18.20 — **Тўлиқ ген. тарлар** (очерк). 18.40 — **Саноат ходимлари учун.** 19.10 — **Ўйғун. Янги шеърлар.** 19.25 — **Ислом урф-одатларининг реакцион моҳияти.** 19.45 — **Концерт** (Ўзбекистон радио ва телевидение хори ижроси-да). 20.15 — **Телевизион янгиликлар.** 20.35 — **Эртаси куни программаси.**

Рус тилида: 20.40 — **Диққат, сиз кўчадасиз!** 20.50 — **Здоровье** телевизион журнали. 21.30 — **Телевизион янгиликлар.** 21.50 — **Галина Уланова** (ҳужжатли фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 19.00 — **Ҳужжатли фильм.** 19.20 — **Ван Клиберн чалади.**

Ўзбек тилида: 20.35 — **Шимол камалаги номли бадиий фильм.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Биз, икки эркак — «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кундуз 2 ва кеч 8 да). «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Аблаҳлар тўдаси — «ИСКРА». «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Ансельмининг ҳалокати — «СПУТНИК» (жуфт соатларда). НАВОИЙ номли, «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Қор қиз — «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ажойиб куч — КИНОЛЕКТОРИЙ (кундуз соат 1 дан).

ЕЗГИ БИНОДА:

(кеч соат 9.15 ва 10-45 минутда)

Биз, икки эркак — ТЕЛЬМАН номли.

Аблаҳлар тўдаси — НАВОИЙ номли.

Ансельмининг ҳалокати — «ФЕСТИВАЛЬ».

Арафада юз берган воқеа — КАФАНОВ номли.

Миклухо-Маклай — «ВАТАН».

Бензоколонка малакаси — «ПАХТАКОР».

Волга-Волга — 1 Май номли.

Симладаги севги (1 ва 2 серия) — «УДАРНИК».

Катта кўк йўл — «ПОБЕДА».

Қизил елканлар — «МЕҲНАТ».

1963 ЙИЛ 30 ИЮЛДА РИГА ШАҲРИДА

3 % ЛИ давлат ички ютуқ заёмининг 94-асосий ютуқлар тиражи

БУЛАДИ

Тиражда заёмнинг ўн олти разрядига 7.440.320 **сўмлик** 136000 **ютуқ ўйналади. Ютуқлар ораси-да:** 5.000, 2.500, 1.000, 500, 100 **ва** 40 **сўмлик ютуқлар бўлади.**

Тиражларда ўйналадиган ютуқлар сони заём муддати тугаганга қадар ўзгармаганлиги, ютган облигацилар эса бундан кейинги тиражларда қатнашмаганлиги сабабли, **заём облигациялари бўйича ютиш эҳтимоли тираж ўтказилган сайин оша боради.**

Заём облигациялари омонат кассаларида бемалол сотилади ва сотиб олинади.

3% ли заём облигацияларини сотиб олинг!

Тошкент область давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармаси.

БИРЛАШГАН НАШРИЁТГА

линотипчилар, верстка чилар, қўлда терувчи наборщиклар, стереотипчилар, ёрдамчи ишчилар, полиграфия асбоб-ускунасининг слесарь-механиклари

керак

«Правда Востока» кўчаси, 26-ўй. 1 қаватда 3-хонага келиб учрашилсин.

Тарас Шевченко кўчаси, 54-ўй, 18-квартирада турувчи **Роальд Григорьевич Аренбергнинг** Бийск кўчаси, 17-ўйда турувчи Римма Ивановна Токаревадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар Ленин район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Лугин переулок 11-ўйда турувчи **Фарида Бариевна Темиркинанинг** Фрунзе шаҳар, «XXII партсъезд» кўчаси, 324-ўйда-турувчи Олег Леонидович Вальдмандан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Вилоят кўчаси, Қуёш нури тупик, 10-ўйда турувчи **Абдумутал Абдуғаниевнинг** Бобожонов кўчаси, 4-тупик, 5-ўйда турувчи Гулхирож Оқиловна Абдуғаниева (Набиева)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

ТИНЧЛИККА УМИД БАҒИШЛАЙДИ

ЛОНДОН, 20 июнь. (ТАСС). Англия матбуоти Совет ҳукумати бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг Кремлдаги Съездлар саройида бўлиб ўтган Совет-Венгрия дўстлиги митингида сўзлаган нутқини мамнуният билан кутиб олди.

Ҳамма газеталар бу нутқнинг муҳимлигини эътироф этиб, нутқнинг айрим жойларини кўринарли ўринларда ва катта сарлавҳалар остида босиб чиқармоқдалар. Газеталар Н. С. Хрушчевнинг таклифлари халқаро кескинликнинг юмшашига чинакам умид туғдиради, деб таъкидлайдилар.

«Дейли скетч» газетаси Совет ҳукумати бошлиғининг ҳозирги замон проблемаларига тўғри ёндошаётганлигини таъкидлайди. Газетанинг фикрича, Н. С. Хрушчевнинг таклифлари «Совуқ урушда илиқлик бошланишига» ҳар қачондагидан кўра катта умидлар бағишлайди.

Ҳукуматга яқин турган «Дейли телеграф» газетасининг дипломатик обзорчиси тинчликни мустаҳкамлаш соҳасида Н. С. Хрушчев таклиф этган конкрет чоралар «синчиклаб ва батафсил ўрганилиши лозим» деб ёзади. «Гардиан» газетаси ўз навбатида, бу чоралар «Ғарб билан муносабатларни жиддий суратда ҳал этишга» олиб келиши мумкин, деган фикрни изҳор қилади.

«Дейли Уоркер» газетаси ҳозирги вақтда атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро синовларини тўхтатиш ҳақида битим тузилишига умид туғилганлигини бутун дунёда миллион-миллион кишилар табриклайдилар, деб ёзади. Газета жаҳон устида пайдо бўлган даҳшатли ядро фалокати хавфини бартараф қилиш учун совуқ уруш сиёсати ўрнига тинч-тотув яшаш сиёсатини амалга ошириш лозим, деб таъкидлайди.

„ҒОЯТ МУҲИМ НУТҚ"

ПАРИЖ, 20 июль. (ТАСС). Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг Кремлдаги Съездлар саройида совет-венгер дўстлигига бағишланган митингда сўзлаган нутқи Францияда ғоят катта қизиқиш туғдирди. Ҳозирги вақтда дипломатия доиралари ва жамоатчилик, радиокомментаторлар ва француз матбуоти сиёсий обзорчилари бу нутққа жуда катта эътибор бермоқдалар.

Париждаги эрталабки газеталарнинг ҳаммаси Н. С. Хрушчевнинг нутқи тўғрисидаги хабарларни — «Хрушчев Шарқ билан Ғарб ўртасида кенг миқёсда музокаралар олиб бориш йўлини очиб бермоқда», Хрушчев: «Биз учинчи жаҳон урушининг олдини олишимиз мумкин», «Бизнинг бирдан-бир мақсадимиз — коммунизмдир, бирдан-бир воситамиз — тинчликдир» деган катта сарлавҳалар остида босиб чиқардилар. Париж газеталари ана шу нутқнинг айрим ўринларини эълон қилдилар ва ўз фикрларини босиб чиқардилар.

«Юманите» ва «Либерасьон» газеталаридан тортиб ўнгларнинг «Фигаро» ва «Орор» газеталаригача турли маслакдаги матбуот органлари Совет ҳукумати бошлиғининг нутқи ва бу нутққа илгари сурилган ҳамда умумий тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги буюк ғамхўрлик руҳи билан суғорилган конструктив таклифлар жуда катта аҳамиятга эгадир, деб таъкидламоқдалар. Буржуа газетаси «Пари-жур» биринчи саҳифасида «Бу ғоят муҳим нутқ» деб ёзади. «Фигаро» газетаси қуйидагиларни қайд қилади: «Бу — Совет ҳукумати бошлиғининг, шубҳасиз, энг муҳим нутқларидан биридир». «Орор» газетаси «Дарҳақиқат, бу нутқ ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир», деб таъкидлайди.

Ҳатто Совет Иттифоқининг ва коммунизм идеяларининг энг ашаддий душманлари ҳам Н. С. Хрушчевнинг нутқи Совет Иттифоқининг тинчлик тўғрисида зўр ғамхўрлик қилаётганлигини кўрсатади, бу нутқ турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашидан иборат ленинча йўлни ёрқин ифода этади, деб ҳисоблашмоқдалар. Ролан Форе «Орор» газетаси саҳифаларида Совет ҳукуматининг бошлиғи «Тинчлик ўрнатиш кераклигини тантанали суратда эълон қилди, бу эса бутун инсониятни қувонтирмоқда» деб таъкидлайди. «Бу нутқ, — деб ёзади у, — Москванинг тинчлик йўлида қатъий қадам қўяётганлигини очиқ-равшан тасдиқлайди».

«Пари-жур» газетаси «Жаҳонда соғлом фикр юритувчи кишиларнинг бирортаси ҳам Н. С. Хрушчевнинг ядро уруши жиноят даражасидаги бемаъниликдир, деб айтган гапларига шубҳа билан қарай олмайди», деб қайд қилади.

«Фигаро» газетаси Совет ҳукумати бошлиғининг нутқини «буюк муҳим проблемаларнинг ҳар бири юзасидан СССРнинг позициясини жуда яхши ва аниқ ифодалаб бериш» деб характерлайди.

«Либерасьон» газетасининг фикрича, «Хрушчев халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган барча тадбирлар юзасидан Шарқ билан Ғарб ўртасида кенг миқёсда музокаралар олиб бориш ўлчини очиб берди».

«Юманите» газетаси Н. С. Хрушчев нутқининг баёнини қуйидаги сарлавҳа остида босиб чиқарди: «Хрушчев: «Ядро урушининг олдини олиш—ҳаётий заруратдир. Биз қўлга киритмоқчи бўлган ғалабалар — иқтисодий, илмий ва маданий соҳада тинч йўл билан эришиладиган ғалабалардир». Совет ҳукуматининг бошлиғи, деб ёзади газета, коммунистларнинг идеали, Совет Иттифоқининг ва унинг ҳукуматининг идеали коммунизм қуришдан, тинчликни сақлашдан, социализмнинг капитализм устидан афзаллигини бутун инсониятга кўрсатиб беришдан иборат, деб эълон қилди.

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ НУТҚИ ИНГЛИЗ ТИЛИДА НАШР ЭТИЛДИ

ЛОНДОН, 20 июль. (ТАСС). Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети июнь Пленумида сўзлаган нутқи Лондонда «Марксизм-ленинизм — бизнинг байроғимиз, жанговар қуролимиз» деган сарлавҳа остида инглиз тилида нашр этилди.

АМЕРИКАЛИКЛАР, ЎЗ ЮРТИНГИЗГА ЖЎНАБ КЕТИНГИЗ!

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги III конференциясининг қарорига мувофиқ, шу кунларда Жанубий Кореядан Америка Қўшма Штатлари империалистик қўшинларининг олиб чиқиб кетилиши учун биргалиндаги кураш олиб бориш ойлиги ўтказилмоқда.

Кураш ойлигига бағишланиб, 19 июлда Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг мажлислар залида Ўзбекистон пойтахти жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Ўзбекистон республика комитетининг раиси Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министри Т. А. Саримсоқов очди.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Ўзбекистон комитети правлениесининг аъзоси, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг редактори З. И. Есенбоев халқларнинг Жанубий Кореядан Америка қўшинларининг олиб чиқиб кетилиши учун олиб бораётган нураши ҳақида доклад қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг ходими тарих фанлари кандидати А. Қосимов, Низомий номидаги Тошкент педагогика институти комсомол ташкилотининг секретари С. Утанов, Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси С. Д. Петрова, Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Политотдел» колхози комсомол ташкилотининг секретари И. Ким сўзга чиқдилар. Улар АҚШ томонидан Жанубий Кореяда ўрнатилган зўравонлик режимини ғазаб билан қоралаётган, Совет Иттифоқи ва Корея Халқ-Демократик Республикаси халқлари ўртасида чинакам қардошларча муносабатларнинг ривожланаётгани ҳақида мамнуният билан гапирдилар.

Йиғилиш қатнашчилари яқдиллик билан қабул қилинган резолюцияда пролетар интернационализми принципларига садоқат билдириб, қаҳрамон корейс халқининг Жанубий Кореядан Америка қўшинларининг олиб чиқиб кетилиши учун, мамлакатнинг тинч йўл билан бирлаштирилиши учун олиб бораётган курашига ўз бирдамликларини қатъий изҳор қилдилар.

МАШИНА ИМТИҲОН ОЛАДИ

Шу йил баҳорда мен Ленинграддаги физика-механика техникуми аудиторияларидан бирида имтиҳонда бўлдим. Имтиҳонни электрон машина қабул қилди. Яшикнинг олдинги деворида ишчи панель бор. Панелда кнопкалар, сигнал берувчи лампалар, ёруғлик таблолари, диаметри бир неча миллиметр келадиган тешикларни кўрамиз. Шу ернинг ўзида имтиҳон билетларидан ташқари икки даста карточкалар турибди. Уларнинг бири тешикли карточкалар бўлиб, иккичисида ўқувчиларнинг фамилиялари ёзилган.

Ўқувчи стол олдига келиб, ҳар бир дастадан биттадан карточка олади. Ўзининг фамилияси ёзилган карточкани яшикда қилинган тешикка ташлайди. Иккинчи карточкани имтиҳон олувчи электрон мосламага солади. Шундан сўнг яшик қопқоғи ёпилади. Ёруғлик таблосида имтиҳон билетининг номери пайдо бўлади. Ўқувчи столдан бу билетни олиб, унда кўрсатилган масалаларни доскада ҳал қилишга киришади. Биринчи масала ҳал қилинди. Переключатель ёрдамида ўқувчи дискадан жавоб бериш учун сонларни теради. Бунга машина ёруғлик таблосида лозим бўлган жавобни беради.

Ҳар бир масалани ҳал қилиб бўлгач, имтиҳон бераётган ўқувчи бу процесни такрорлайди. Ҳар сафар таблода баҳо қайд қилинади. Ниҳоят биз ёруғлик таблосида билетдаги ҳамма саволлар бўйича ўртача баҳони кўрамиз. Қандай жавоб берилганига қараб икки, уч, тўрт ёки беш баҳолар қўйилади. Лекин бир баҳо бўлмайди. Бунинг сабаби маълум: ўқувчи имтиҳон беришдан бош тортмайди-да! Кибернетик машина ўқувчиларнинг билимини тўғри ва объектив баҳолайди.

Бу машина ўқувчи узоқ жавоб берадиган бўлса тоқат қилиб ўтирмайди. Белгиланган 40 минут ўтдими, реле ишлаб кетади, ёруғлик таблосида «вақт тамом бўлди» деган ёзув пайдо бўлади ва машина автоматик равишда ўчади.

«Электрон» имтиҳон вақтида баъзи ҳолларда имтиҳон олувчи кишиларда юз берадиган чарчаш аломати сезилмайди. Машинанинг объективлигига ҳайрон қоласан, киши. Мен шундай бир ҳодисани кузатдим. Машина ўқувчига қайта имтиҳон топшириш рухсат берди. Чунки ўқувчи айрим саволларни бир-бирига қориштириб юборяётган эди. Шунда машина дастлабки ҳолига келди-да, унга бошқа билет олиш ҳуқуқини берди.

Машина учун программа шундай ҳажмда тузилганки, у 1025 билет бўйича имтиҳон қабул қилиш қобилиятига эга. Амалда бу ҳол техникумда имтиҳон сессиясига киритиладиган барча курс ва предметлар бўйича имтиҳон олиш имконини беради. Ҳарбир имтиҳон учун ўзига хос перфорацион карточкалар бўлади.

Техникумда электрон «репетитор» ҳам бор. У рақамли ва ҳарфли масалаларни ҳал қилиш вақтида ўқитувчининг навбатдаги консультациясини узоқ муддат кутишга тўғри келганда студентларга яқиндан ёрдам беради. Ўқувчилар кибернетик машинага мурожаат қилишади. Унинг ўргатувчи мосламасига перфорацион карточка жойлаштирилган бўлади. Бу билан машина тўғри жавоб беришга ўргатилган бўлади. Шундан сўнг ўқувчи панелда переключателларни шундай бурайдики, масаланинг сон билан ёки ҳарфда ифодаланган жавобини ола билади. Сўнгра кнопка босилади ва панелда «тўғри» деган сўз ёзилган лампочка ёнади. Агар ўқувчи нотўғри жавоб берсачи? У вақтда «нотўғри» деб ёзилган лампочка ёнади. Ўқувчи «ёрдам» кнопкасига мурожаат қилади. Уни техникумда ҳазиллашиб «ГОГ» деб юритишади. Бу ерда бир йўла бир неча лампочкалар ёнади. Уларнинг қўшилиши махсус картотекадан масаланинг ҳал қилинишини батафсил ёзиб берилган ва тегишли адабиётлари ҳамда манбалари кўрсатилган карточканинг номерини ҳосил қилади.

Бу приборларнинг ҳаммаси студентлар қўли билан техникум устахонасида жамоатчилик конструкторлик бюроси чертёжлари бўйича ишланган.

Николай БОЛГАРОВ,

(АПН мухбири).

ТОШКЕНТ—ДУШАНБА

Ҳур республикалар улуг оиласига уюшган барча бахтиёр халқлар бир-бирларини чексиз ҳурмат-эҳтиром қиладилар. Ленинча дўстлигимиз бамисоли бир қудратли, асло қуламас чинордек камол топиб, шу она тупроғимизда борган сари чуқурроқ илдиз отмоқда.

Кечагина Тожикистон ССРнинг сиёсий ва маъмурий маркази — Душанба шаҳрида қўёшли Ўзбекистоннинг маркази — «Тошкент куни» зўр тантана билан байрам қилиниши бунинг яна бир ёрқин мисолидир.

Душанбага келган тошкентликлар орасида СССР халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати Ҳалима Носирова, тошкентлик машқур темирчи Шоаҳмад ота Шомаҳмудов, Тошкент тўқимачилик комбинати коммунистик меҳнат бригадасининг раҳбари, СССР Олий Советининг депутати Ф. Шеронова, ёзувчи Примқул Қодиров, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган моҳир санъаткорлардан Клара Юсупова, Михаил Давидов, Ҳалима Комилова ва бошқалар бор.

Тожикистон КП Душанба шаҳар комитетининг ташаббуси билан 20—21 июль кунлари қардош республика марказида ўтказилган «Тошкент куни» байрами чинакам дўстлик, биродарлик, ҳамкорлик байрамига айланиб кетди. Республикамизнинг пойтахтидан келган меҳмонлар ўз мезбонларига шарқдаги нурли шаҳар, қуёшли шаҳар Тошкентнинг тобора гуллаб-яшнаётганлиги, Ўзбекистоннинг сиёсий ва маъмурий пойтахти кундан-кунга камол топаётганлигини жонли рақамлар ёрдами билан сўзлаб бердилар.

«Ўзбекфильм» ишлаб чиқарган «Фурқат», «Маҳаллада дув-дув гап», «Рад этилган келин» ва шу сингари асарлар икки кун мобайнида барча экранларда кетма-кет қўйилиб турди.

Тожикистон пойтахтининг меҳнаткашлари хусусан Шоаҳмад ота Шомаҳмудовнинг, бу ажойиб интернационал оила бошлиғининг чин юракдан айтган сўзларини зўр шавқ-завқ билан эшитдилар.

«Тошкент куни»да ўзбек рассомларининг асарларидан кўргазмалар ташкил қилинди, «Етти йиллик-амалда» деган мавзуда виставка очилди.

Меҳмондўст тожик халқи, пойтахт меҳнаткашлари Тошкент юборган вакилларни:

— **Хуш омадед! — Хуш келибсиз!** — деб мамнуният билан кутиб олдилар.

Душанбада «Тошкент куни»нинг ўтказилиши дўстлик ипларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳамид НУРИЙ.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" Натижаларни Маълум қилади

„ДИМОҒДОР"

Кейинги пайтларда Октябрь район социал таъминот бўлими мудири ўртоқ Ашуровнинг пенсионерларга нисбатан самимий муносабатда бўлмаётгани ҳақида редакцияга шикоят ва аризалар келабошлади. Мухбиримиз ана шу шикоят ва аризалар асосида кузатиш ва текшириш ўтказди. Дарҳақиқат ўртоқ Ашуров пенсионерларни нохушлик билан кутиб олар, уларга қўпол ва такаббурлик билан тўраларча муносабатда бўлар экан.

Газетамизнинг шу йил 28 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган мақолада ўртоқ Ашуровнинг раҳбар ходимларга номуносиб ана шу камчиликлари очиб ташланган эди. Мақола матбуотда эълон қилингандан кейин редакцияга кўплаб хатлар келабошлади. Уларда мақолада айтилган танқидий мулоҳазаларнинг тўғрилиги эътироф этилади.

Мақола олдин шаҳар социал таъминот бўлимида чуқур муҳокама қилинди, сўнгра Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги коллегиясида кўрилди. Коллегия газетанинг танқидий чиқишини жуда тўғри деб топди. Ашуровнинг бундай хатти-ҳаракатини қаттиқ қоралади ва унга виговор эълон қилди. Бундан кейин шундай ҳоллар қайтарилган тақдирда яна қаттиқ чора кўрилажаги уқтирилди. Мазкур мақолани министрликнинг органи бўлган «Ўзбекистон социал таъминоти» журнали саҳифасида босишга қарор қилди, шунингдек Ашуров раҳбарлик қилаётган район социал таъминот бўлимининг молиявий-хўжалик ишларини чуқур ревизия қилиш учун комиссия тайинлади.

Редакцияга келган жавобга Ўзбекистон ССР Социал таъминот министри ўртоқ В. Содиқова қўл қўйган.

Редактор ўринбосари
И. СУЛАЙМОНОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-ўй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 26232. Масъул секретарь — 34808. Секретариат — 31936. Идеология бўлими — 25885. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 33786. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 06572. Индекс 64695. Нашр. № 1641.



Суратда: Бекободдаги металлургия заводининг маданият саройи.

В. Лейзерович фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

▲ Англиядаги «Интернейшнл компьютерс энд табьюлейтерс» компаниясининг маъмурияти Дартфордаги (Кент графлиги) завод ёпилажагини эълон қилди. 1200 га яқин ишчи ишдан бўшатилади.

▲ Ғарбий Берлиндаги «Телеграф» газетасининг хабар беришича, Ғарбий Берлинда квартира ҳақи шу йил 1 августдан бошлаб 10—15 процент оширилади. Бу ҳол Ғарбий Берлинда яшовчи 600 мингдан кўпроқ кишининг турмуш даражасига ёмон таъсир кўрсатади.

▲ Яқинда Чилининг Рио-Буэно шаҳрида (Вальдивия вилояти) фожиали бир воқеа рўй берди. Қирқ ёшдаги ишчи Луис Сандовал Тронкосо бир неча ойдан буён бирор иш тополмаганидан кейин даргазаб бўлиб ўзини ўлдирди. У ўзини ўлдиришдан олдин хотини ва олти боласини ўлдирди. Сандовал Тронкосо вафотидан кейин топилган хатида ўз болачақаларининг очлик ва муҳтожликда азоб чекишларини истамаганлигини билдиради.